БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 169 (18.646). ● Якшанба, 1983 йил 24 июль ● Баҳоси 3 тийин.

РЕСПУБЛИКА ҒАЛЛАКОРЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

Республика қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май, ноябрь ва 1983 йил июнь Пленумларининг тарихий қарорларини амалга ошира бориб, социалистик мусобақани кенг авж олдириб, шу йилнинг оғир иқлим шароитларида бошоқли дон экинларидан мўл ҳосил етиштирдилар, бу экинларни ўриб-йиғиб олишни қисқа муддатларда уюшқоқлик билан ўтказдилар ва ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йилини меҳнатда янги муваффақиятлар билан нишонладилар. Республика колхоз ва совхозлари 800 минг тоннадан кўпроқ буғдой ва арпа донини янчиб олдилар, бу эса ўтган йилдагига нисбатан қариб икки баравар кўпдир.

242 минг тонна буғдой ва арпа янчган Қашқадарё областининг, 175 минг тонна буғдой ва арпа янчган Жиззах областининг, 113 минг тонна буғдой ва арпа янчган Самарқанд областининг, 89 минг тонна буғдой ва арпа янчган Сурхондарё областининг, 43 минг тонна буғдой ва арпа янчган Тошкент областининг, 33 минг тонна буғдой ва арпа янчган Андижон областининг, 30 минг тонна буғдой ва арпа янчган Сирдарё областининг, 28 минг тонна буғдой ва арпа янчган Фарғона областининг, 25 минг тонна буғдой ва арпа янчган Наманган областининг, 18 минг тонна буғдой ва арпа янчган Навоий областининг, 12 минг тонна буғдой ва арпа янчган Бухоро областининг ғаллакорлари ана шу муваффақиятга эришишга сезиларли ҳисса қўшдилар.

Ватан омборларига 340 минг тоннадан кўпроқ бошоқли экинлар дони тўкилди, бу эса планга нисбатан 101 процентни ташкил этади.

Республиканинг ҳамма областлари ғалла тайёрлаш давлат планини муваффақиятли бажардилар. Сурхондарё, Бухоро, Фарғона, Андижон ва Наманган областларининг хўжаликлари буғдой ва арпа тайёрлаш ҳажмини бажарганликлари тўғрисида биринчи бўлиб рапорт бердилар. Келгуси йил ҳосили учун уруғлик ғамлаш планлари ҳам бажарилди.

Пахтачи, Задарё, Наманган, Ленин йўли, Навоий, Бувайда, Ленин районларининг илғор хўжаликлари суғориладиган ерларнинг ҳар гектаридан 30 центнердан ва бундан ҳам кўпроқ буғдой ва арпа йиғиштириб олдилар. Ғаллаорол, Бахмал, Оҳангарон, Паркент, Чироқчи, Қамаши, Қўшработ, Ховос ва бошқа районларнинг хўжаликлари лалми ерлардан мўл дон ҳосили олдилар.

Ҳар гектар ердан 55—60 центнердан дон йиғиштириб олишга эришган Пахтачи районидаги Свердлов номли, Қумқўрғон районидаги «Қизил Октябрь» колхозлари, Ангор районидаги «Толимарон» совхози ғаллакорларининг қўлга киритган ютуқларини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Республикадаги кўпгина илғор хўжаликлар лалми ерларнинг ҳар гектаридан 15—19 центнердан бошоқли экин дони олдилар.

Машина-механизмлардан ипатоволиклар методи асосида юксак унумли фойдаланиш мақсадида республикада 9000 га яқин ўрим-транспорт отряди ва звенолари ташкил қилинган эди. Ғалла ўрим-йиғимида ва уни ташишда банд бўлган комбайнчилар, механизаторлар, колхозчилар, совхоз ишчилари, автотранспорт ҳайдовчилари учун маънавий ва моддий рағбатлантириш чоралари кўзда тутилган эди. Областлар, районлар, хўжаликлар ва автомобиль корхоналари ўртасидаги мусобақа якунлари ҳар ўн кунда чиқариб турилди. Бунинг натижасида кўпчилик хўжаликлар машина-механизмлардан моҳирлик билан фойдаланиб, ўрим-йиғим ишлари технологияси ва ташкил этишни такомиллаштириб, дастлабки кунларданоқ ғалла ўрим-йиғимининг тез суръатда олиб борилишини таъминладилар.

Советобод районидаги «Жом» совхозидан П. Тиллаев, Зомин районидаги «Зомин» совхозидан Б. Ҳайдаров, Ғаллаорол районидаги Ғ. Ғулом номли совхоздан Э. Чакаев, Ғузор районидаги «Ғузор» совхозидан Т. Равшанов, Кўкдала районидаги Охунбобоев номли совхоздан Д. Лапасов сингари комбайнчилар 450—700 гектар майдондаги ғалланы ўриб, бошоқли дон экинларини йиғиштириб олишда яхши кўрсаткичларга эришдилар.

Колхозчилар, совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассисларининг фидокорона меҳнати туфайли, партия, совет, қишлоқ хўжалик органлари, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг моҳирлик билан олиб борган ташкилотчилик ва сиёсий ишлари туфайли, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукумати доимо ёрдам бериб турганлиги туфайли ана шундай меҳнат ғалабасига эришилди.

Илғор агротехниканинг жорий этилганлиги, минерал ўғитлардан, механизациялаштириш воситаларидан самарали фойдаланилганлиги, меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлаш формаларининг такомиллаштирилганлиги, таъсирчан социалистик мусобақанинг ривожлантирилганлиги бошоқли дон экинлардан мўл ҳосил олиш имконини берди.

Ўзбекистон ССР Автотранспорт министрлигининг автоколонналари ва Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш техника таъминоти давлат комитетининг корхоналари ғалла ўримйиғимида ва давлатга дон топширишда колхоз ва совхозларга катта ёрдам бердилар.

Тайёрлаш ташкилотлари буғдой ва арпа ўрим-йиғими ҳамда тайёрлаш даврида аниқ-пухта ишлаб, ғаллани узлуксиз қабул қилишни ва сақлашни таъминладилар.

Суғориладиган ерлардан самарали фойдаланиш мақсадида бошоқли экинлардан бўшаб қолган барча майдонларга дон ва силос учун маккажўхори, шунингдек бошқа озуқабоп экинлар экилди.

Ҳозир республика ғаллакорлари уруғликни тозалаш, ерларни кузги экинлар экишга тайёрлаш, келгуси йили мўл ҳосил олиш учун агротехника тадбирларини амалга ошириш соҳасида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленуми қарорларини амалга ошира бориб, бутун куч-ғайратларини пахта, дон, мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳамда давлатга сотиш юзасидан ўн биринчи беш йилликнинг ўзак йили план ва социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажаришга қаратмоқдалар.

✦ МУЛ-КУЛ ҒАЛЛА ХИРМОНИ БУНЕДКОРЛАРИГА ШОН-ШАРАФЛАР!

✦ «ОҚ ОЛТИН» ДАЛАЛАРИДА ҚИЗҒИН МЕҲНАТ ПАЛЛАСИ

Самарқанд область Самарқанд районидаги Энгельс номли колхоз меҳнаткашлари пландаги 600 тонна ўрнига 1200 тонна сенаж тайёрлашга ахд қилишган. Ана шу эзгу мақсадни амалга ошириш учун айни кунларда қизғин меҳнат авж олиб кетган. Бу ишда хўжалик механизаторлари яхши ибрат кўрсатишяпти. Суратда: механизаторлар мусобақасининг пешқадамларидан бири Мамараим Набиев.

А. Тўраев фотоси.

ПАХТАКОР РЕСПУБЛИКАЛАРНИНГ ЎЗАРО ТЕКШИРИШ ДЕЛЕГАЦИЯЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛМОҚДА

Қарор топган яхши анъанага кўра қардош пахтакор республикаларнинг ўзаро текшириш делегациялари 25 июлда Ўзбекистонга келади.

Озарбайжон ССР делегацияси Тошкент, Самарқанд, Наманган ва Жиззах областларининг қишлоқ меҳнатчилари социалистик мажбуриятларини қандай бажараётганликларини текширади.

Тожикистон вакиллари Андижон, Фарғона, Сурхондарё, Сирдарё ва Навоий областлари дала, фермаларининг ходимлари ўз зиммаларига олган мажбуриятларни қандай бажараётганликларини текширадилар.

Туркманистон ўзаро текшириш бригадаси Қорақалпоғистон АССР, Хоразм, Бухоро ва Қашқадарё областларининг колхоз ва совхозлари социалистик мажбуриятларини қандай бажараётганликларини текширадилар.

Республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари азиз дўстлар — мусобақадош қардошларни кутиб олишга фидокорона меҳнат билан тайёргарлик кўрмоқдалар.

КИЕВДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

КИЕВ, 23 июль. (ТАСС). ВСИП Марказий Комитетининг Биринчи секретари Я. Кадар бошчилигидаги ВХР партия-ҳукумат делегацияси бугун Киевдан ватанига жўнаб кетди. Делегация КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг таклифига биноан расмий дўстона визит билан СССРда меҳмон бўлиб турган эди.

Аэродромда Я. Кадарни, делегация аъзоларини КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. В. Шчербицкий, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. В. Русаков, бошқа расмий кишилар самимий кузатиб қолдилар.

РСДРПнинг иккинчи съездига бағишланади

НУКУС, 23 июль. (ЎзТАГ). Бу ерда РСДРП иккинчи съезди нинг 80 йиллигига бағишланган илмий-назарий конференция бўлиб ўтди. Конференцияни Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари Қ. К. Камолов очди.

Москва, Тошкентдан келган ва Нукус партия ходимлари, олимлар ўз докладларида тарихий съезднинг аҳамиятини ҳар томонлама таърифлаб бердилар. Коммунистик қурилишнинг турли босқичларида КПСС фаолиятини ёритдилар.

МЕҲНАТ РАПОРТИ

Сурхондарё область саноат корхоналарининг меҳнат коллективлари КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь ва 1983 йил июнь Пленумлари қарорларини амалга ошира бориб, маҳсулот реализация қилиш ва буюмларнинг асосий турларини ишлаб чиқариш етти ойлик планини муддатидан илгари — 22 июлда бажардилар.

Етти ойлик пландан ташқари қарийб тўққиз миллион сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилади ва реализация қилинади.

ФАБРИКА ЮБИЛЕЙИ

ҚУҚОН. (Фарғона области, 23 июль. (ЎзТАГ). Қўқондаги Охунбобоев номли тикувчилик фабрикаси ташкил этилган кунга эллик йил тўлди. Дастлабки беш йилликлар даврида қурилган фабрика ярим кустар артелдан енгил саноатнинг йирик корхонасига айланди.

Бугун бўлиб ўтган йиғилишда фабрика коллективига Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи тантанали вазиятда топширилди. Фабрика ўнинчи беш йилликда эришган юксак техника-иқтисодий кўрсаткичлари, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни муттасил кўпайтирганлиги учун ва ташкил этилганига 50 йил тўлиши муносабати билан шу мукофотга сазовор бўлди.

Ўзаро текшириш давом этмоқда

ҚЎШНИ ДАЛАСИ БЕГОНА ЭМАС

Фарғона области қишлоқ меҳнаткашлари Сирдарё область Ворошилов районидаги Свердлов номли колхоздан Абдували Рустамов бригадасида дала ишлари қандай бораётганлиги билан танишганларидан кейин ўз ён дафтарларига кўпгина қизиқарли нарсаларни ёзиб қўйдилар. Меҳмонларга ғўзаларни суғориш қандай ташкил этилганлиги маъқул тушди. Бу ерда суғориш ишлари юксак агротехника даражасида олиб борилмоқда, ҳар бир участкага оптимал равишда сув берилмоқда. Бу эса ўсимликларнинг чанқаб қолишини ҳамда тупроқни сув босишини бартараф этади. Бригада шарват усулида суғоришдан кенг фойдаланмоқда. Бу эса экинларнинг жадал ривожланишини таъминламоқда.

Бригада механизаторларининг ишлари ҳам текширувчилар диққатини жалб этди. Механизаторлар ғўза қатор ораларини юқори сифатли қилиб юмшатмоқдалар. белгиланган смена нормасини ҳар куни бир ярим баравар ошириб бажармоқдалар.

— Биз, — деди Фарғона областидаги Киров номли совхоз бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Советининг депутати С. Холиқов, — мусобақадош дўстларимиз ҳар гектар ердан 55 центнер сара «оқ олтин» олишдан иборат беш йилликнинг учинчи йили учун қабул қилган ўз мажбуриятларини шараф билан бажаришларига ишончимиз комил.

Фарғоналик вакиллар Ворошилов районидаги К. Маркс номли, Свердлов номли колхозлар ва бошқа хўжаликлар пахтакорларининг ишлари билан қизикиб танишдилар. Шу кунларда бу ерда мўл пахта ҳосили учун кураш жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Меҳмонлар «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» совхози, Горький номли колхоз деҳқонлари экинларни парвариш қилиш вақтида йўл қўяётган айрим камчиликларни ҳам кўрсатиб ўтдилар. Камчиликларни бартараф этиш юзасидан шошилинч тадбирлар кўрилди.

(ЎзТАГ).

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН МАККАЖЎХОРИКОРЛАРИНИНГ ЯНГИ МАРРАЛАРИ

ОҚМАНҒИТ (Қорақалпоғистон АССР), 23 июль, (ЎзТАГ). Шу йилни маккажўхори етиштиришни кўпайтиришда юксак натижаларга эришиш, СССР Озиқ-овқат программаси ўртага қўйган вазифаларни ҳал этиш ишига муносиб ҳисса қўшиш билан нишонлаш учун нима қилиш керак? Қорақалпоғистон маккажўхорикорларининг «СССР 60 йиллиги» совхозида бўлиб ўтган кенгашида ана шу ҳақда гаплашиб олинди.

Автоном республиканинг донгдор маккажўхорикори, Хўжайли районидаги Ленин номли колхоздан Ширин Юсупованинг нутқи кенгаш аҳлини қизиқтирди. У коллектив пудрат асосида ишлаётган ўз бригадаси ўсимликларнинг интенсив ривожланишини таъминлаганини, илгари қабул қилган мажбуриятини қайта кўриб чиқиб, бу йил 120 центнерлик «каҳрабо дон» ҳосили етиштиришга қарор берганлигини айтди.

Кенгаш қатнашчилари ана шу ташаббусни астойдил қўллаб-қувватладилар. Бошқа коллективларнинг намояндалари мўл ҳосил тўплаш учун, бу ҳосилни қисқа муддатларда нобуд қилмай ўриб-йиғиб олиш учун зарур бўлган ҳамма ишларни қилажакларини айтдилар.

Кенгаш иштирокчилари ошириллган социалистик мажбуриятлар қабул қилдилар. Бу мажбуриятларда шу йил автоном республика бўйича 200 минг тонна «каҳрабо дон» йиғиштириб олиш кўзда тутилади. Бу эса аввалги мажбуриятда кўзда тутилганидан 40 минг тонна кўпдир. Ана шу маррага эришиш йўллари белгиланди. Энг муҳими шуки, агротехника тадбирларига қатъий риоя қилиш, ҳар бир килограмм ўғитдан, ҳар бир литр сувдан самарали фойдаланиш, мусобақа илғорларининг тажрибасини кенг оммалаштириш лозим.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

КУБА КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЕСИЙ БЮРОСИНИНГ АЪЗОСИ, КУБА РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ КЕНГАШИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ЎРТОҚ БЛАС РОКА КАЛЬДЕРИОНИ ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Куба Республикаси ўртасида қардошларча дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришдаги катта хизматлари учун ҳамда туғилган кунига етмиш беш йил тўлиши муносабати билан Куба Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Куба Республикаси Давлат Кенгаши Раисининг ўринбосари ўртоқ Блас **Рока Кальдерио Октябрь Революцияси** ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси

Ю. АНДРОПОВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари

Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль.
1983 йил 22 июль.

ДЕЛЕГАЦИЯ ЖЎНАБ КЕТДИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контроли комитетининг раиси М. С. Соломенцев бошчилигидаги Совет партия-давлат делегацияси Монкада казармаси штурм қилинганлигининг 30 йиллиги байрамида қатнашмоқ учун Куба Компартияси Марказий Комитети, Куба Республикаси Давлат Кенгаши ва Министрлар Советининг таклифига биноан 23 июль куни Москвадан Гаванага жўнаб кетди.

Аэродромда делегацияни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, РСФСР Министрлар Советининг Раиси В. И. Воротников, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

(ТАСС).

СПОРТ, ЁШЛИК, ДЎСТЛИК БАЙРАМИ

СССР ХАЛҚЛАРИ VIII ЁЗГИ СПАРТАКИАДАСИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШИ

Мамлакатимизнинг бош спорт майдони — В. И. Ленин номли Марказий стадион кўркам либосда. Совет ва жаҳон спорти тарихидаги кўпгина шонли саҳифалар ана шу стадион билан боғлиқдир. 23 июль куни бу ерда спорт, ёшлик, дўстликнинг умумхалқ байрами — СССР халқлари VIII ёзги Спартакиадаси финал мусобақаларининг тантанали очилиш маросими бўлди. Энг оммавий мусобақа — Спартакиада Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллигини нишонлаган совет халқлари қардошлик оиласининг бирлиги ва жипслигини яна намойиш этмоқда.

Ҳар бир Спартакиадамиз Ватан ва жаҳон спортида шонли босқич бўлиб қолмоқда. Бундан тўрт йил аввалги VII Спартакиада XXII Олимпиада ўйинларидан олдин ўтказилган эди. Ҳамманинг эътироф этишича, Олимпиада ўйинлари ниҳоятда зўр муваффақият билан ўтди. Москвадаги Олимпиада стартлари оммавий спортни ривожлантиришга янги омил бахш этди. Мамлакатимизда спорт ҳаракатини ривожлантиришга Коммунистик партия ва Совет ҳукумати ғоят катта эътибор бераётганликлари совет кишиларини руҳлантирмоқда. КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Физкультура ва спортнинг оммавийлигини янада юксалтириш тўғрисида»ги қарори, КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленумининг тарихий қарорлари — мамлакат физкультура ва спорт ташкилотлари фаолиятининг программавий йўналишидир.

Улкан стадион узра бамисоли камалак порлагандек бўлди. Бу Советлар мамлакатидаги барча иттифоқдош республикаларнинг, спорт жамиятларининг, чет давлатларнинг байроқларидан ҳосил бўлган камалак эди. Паннолар, плакатлар, транспарантлар физкультура ва спортнинг ютуқларини акс эттиради.

Г. А. Алиев, М. С. Горбачев, Г. В. Романов, Д. Ф. Устинов, В. И. Воротников, М. В. Зимянин, К. В. Русаков, Н. И. Рижков ўртоқларни ҳозир бўлган кишилар давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Байрамда фахрли меҳмонлар орасида совет физкультура ҳаракатининг ветеранлари, машҳур чемпионлар, ишлаб чиқариш илғорлари, жамоатчилик вакиллари бор эдилар. Бир қанча мамлакатларнинг Москвадаги дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари, халқаро Олимпиада комитетининг президенти Х. А. Самаранч, халқаро спорт федерацияларининг раҳбарлари, спорт министрлари, миллий спорт ташкилотларининг раҳбарлари, кўпгина мамлакатлар олимпиада комитетларининг президентлари минбарга чиқадилар.

Ватанимиз позивнойлари янграйди. Кремль курантлари жаранглайди. Спортчилар стадион майдонида VIII рақамини ҳосил қиладилар.

Минбарларнинг бирида ранг-баранг байроқчалар билан ҳосил қилинган бадиий фонда бутун дунёга машҳур «Катюша» қўшиғи садолари остида ҳозирги Спартакиаданинг бекаси, байрам спектаклининг бош персонажи этиб сайланган қизнинг тасвири пайдо бўлади.

Малларанг сочли, сарафан кийган ва дуррача ўраган Катюша минбардан стадионга тушиб келиб, шўх рақсларга қўшилиб кетгандек бўлади.

Рақсосалар майдондан чиқиб кетадилар ва салобатли ғамгин музика хотирада Улуғ Ватан урушининг алангали йилларини жонлантиради. Бадиий фонда яна Катюшанинг тасвири пайдо бўлади, лекин энди у гимнастерка ва пилотка кийиб олган.

Солдатлар шон-шуҳратлар билан бурканган, жангу жаддалар алангаларидан олиб ўтилган жанговар байроқларни майдонга кўтариб кирадилар. Муқаддас Ғалаба байроғи ўрнатилган бронетранспортёр мотоцикллар эскорти ҳамроҳлигида ўтиб бормоқда. Супада қўлига қизчани кўтариб олган, жаҳонни фашизм вабосидан омон сақлаб қолган совет халоскор жангчисининг тик қомати пайдо бўлади.

Уруш даҳшатларини ўз бошидан кечирган совет кишилари уни ҳаётдан абадий йўқ қилиб ташлашга, империалистик реакция кучлари дунёга таҳдид қилаётган ядро ҳалокатига йўл қўймасликка азму қарор бергандирлар. Стадионда «Тинчликни асранг!» мавзуи билан бирлашган томошалар бошланади. Қўлларига ранг-баранг ўйинчоқларни кўтариб олган болалар майдон марказига югуриб чиқадилар. «Ҳамиша бўлсин қуёш!» деган машҳур қўшиқ янграйди. Болалар шўх рақса тушиб, спорт машқларини бажарадилар. Олимпия айиқчаси улар ҳузурига меҳмон бўлиб келади.

Бадиий фонда одамлар учун азиз бўлган сўз: Тинчлик сўзи пайдо бўлади.

Совет Қуролли Кучларининг жангчилари стадиондан ўтиб борадилар. Улар Ватанимиз, социализм ва тинчлик посбонлигида турган кишиларнинг вакилларидир. Болалар улар томон югуришади, мана, энди болалар солдатларнинг бақувват қўлларидадир.

Шу кунларда қирқ йиллигини нишонлаётган «Меҳнат резервлари» спорт жамияти тарбияланувчиларининг гимнастик машқлари тинч меҳнат гимни бўлди. Бир неча ҳаракатлардан сўнг спортчилар ишлаб турган станоклар манзарасини вужудга келтирадилар. Мана, «Физкультпауза» эълон этилади ва ёш ишчилар ишлаб чиқариш гимнастикаси машқларини бажарадилар. Бошқа бир ҳаракатлардан сўнг стадион майдони олтиндек ғаллазорга айланади. Стадион узра «Советлар мамлакатининг қаҳрамон ишчилар синфига шон-шарафлар бўлсин!» деган сўзлар жаранглайди.

Физкультура институтлари студентларининг оммавий спорт гимнастика машқлари «Совет спорти байроғини баландроқ кўтарайлик!» деган мавзу билан бирлаштирилган. Майдон марказида офтобда чиниққан ёшлар турибди. Улар бир пудли тошлар билан машқларни енгил ва бир маромда бажариб, кўпдан-кўп томошабинларни қойил қолдирадилар. Уларнинг ўрнига гимнастлар, акробатлар, батутда сакровчилар келади.

Иттифоқдош республикаларнинг вакиллари ёркин миллий либосларни кийиб, стадионнинг кўм-кўк майдонига чиқадилар ва байрамнинг барча қатнашчиларини самимий қутлайдилар. Сўнгра улар марказий ложага кўтарилиб, партия ва ҳукумат раҳбарларига гулдасталар тутадилар.

Фанфарлар янграйди. Спортчиларнинг марш-паради бошланади. Олимпиада-80 нинг уч карра чемпиони, жаҳон чемпиони ва рекордчиси Владимир Сальников Совет Иттифоқи байроғини кўтариб бормоқда. Бош колоннада иттифоқдош республикаларнинг байроқларини кўтарган атлетларни кўрамиз. Совет спортининг шон-шуҳратини барча қитъаларнинг стадионлари бўйлаб таратган ветеранлар бормоқда. Минбардагилар Спартакиада қатнашчилари бўлмиш Москва, Ленинград, иттифоқдош республикаларнинг командаларини қарсаклар билан кутиб олади. Спорт жамиятлари, ДОСААФ спортчиларининг колонналари ўтади.

Байрамнинг шиори «Меҳнатда ва спортда эришган муваффақиятларимиз Ватанга, партияга бахшида бўлсин!» деган сўзлардан иборат бўлиб, бу сўзлар унда қатнашувчиларнинг ҳис-туйғуларини тўлароқ акс эттиради.

Совет кишилари соғлиғини ҳамма чоралар билан мустаҳкамлаш, уларнинг иш қобилияти ва меҳнат унумдорлигини ошириш, Советлар мамлакатининг муқаддас чегараларини ҳимоя этиш учун ҳарбий-техник билим ва малакаларни эгаллаш, юксак маънавий ва жисмоний сифатларни шакллантириш, соғлом ва ҳушчақчақ ёш авлодни тарбиялаш — физкультура ҳаракатимизнинг асосий вазифасидир.

Спартакиадага тайёргарлик чоғида бутун мамлакат катта бир стадионга айланиб кетди. Сибирь, Карелия, Урал, Волга бўйи, Ўрта Осиё физкультура жонбозлари ўз спорт янги қурилишларини Олимпиада, Спартакиада номи билан атамоқдалар. Бугунги кунда ҳамма ерда яхши спортчилар тарбиялаб етиштирилмоқда. Лекин энг муҳими, спорт ўқишда, меҳнатда ёрдам бериб, сиҳат-саломатликни мустаҳкамлашнинг пайидан бўлганларнинг сафлари кун сайин кенгайиб бораётганлигидир. «Бутун оила билан стартга!», «Бригада билан стадионга!», «ГТО значоғидан Олимпиада медалигача» деб аталмиш мусобақалар тобора оммалашиб бормоқда. Спартакиада

(Давоми тўртинчи бетда).

ХАЛҚ КОНТРОЛИ саҳифаси

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИДА

ТЕМИР ЙЎЛ ВАГОНЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИЛСИН

Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлиги тармоқ корхоналари коллективларини темир йўл вагонларидан самарали фойдаланиш, юк ортиш ва тушириш жараёнларини янада тезлаштириш, министрлик ихтиёридаги темир йўл транспорти ва омбор хўжаликларини комплекс ривожлантириш ишларига етарли сафарбар этаётгани йўқ. Партия ва ҳукуматимизнинг бу борадаги муҳим кўрсатмалари ҳануз юксак сифат билан ижро этилмаётир.

Текшириш шуни кўрсатдики, 1982 йили ва шу йилнинг январь—апрель ойларида министрликка қарашли корхоналарнинг шахобча темир йўлларида 39 минг вагон ёки фойдаланилган жами вагонларнинг 48 проценти белгиланганидан ортиқча ушлаб турилган. Агар 1982 йилда ҳар бир вагон нормативдагига нисбатан 9 соатдан кўпроқ бекор туриб қолган бўлса, шу йилнинг дастлабки тўрт ойида бу кўрсаткич 6 соатданга тўғри келди. Оқибатда минглаб вагонлар сабабсиз равишда ишдан қолдирилди, юклар манзилларга муддатида етказиб берилмади. Ана шу тартибсизлик эвазига кейинги вақтда жами 1 миллион 756 минг сўм жарима тўланган.

Маълумки, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳамда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети 1981—1985 йилларда темир йўл транспортини комплекс ривожлантириш ишларини яхшилашга оид 8 та тадбирни маъқуллаган эди. Ушбу қарорда белгиланган муддатлар аллақачон ўтиб кетганлигига қарамай, министрлик эндигина унинг 3 тасини ижро этган, холос. Жумладан, Наманган ёғ-экстракция заводида темир йўл шахобчаларини реконструкциялаш, Тошкент нон-кондитер комбинатида ана шундай шахобчаларни қуриш ишлари адо этилган эмас. Янгийўл ёғ-экстракция заводида широт сақланадиган элеватор, Самарқанд чой қадоқлаш фабрикасида 5 минг тонна хом ашё сақланадиган омбор қурилишлари ҳамон бошланмай турибди.

Юк ортиш ва тушириш ишларини ташкил этишда Гулистон ёғ-экстракция заводи, Каттақўрғон ва Янгийўл ёғ-мой комбинатлари, шунингдек Самарқанд чой қадоқлаш фабрикасида ҳам аҳвол ачинарлидир. Гулистон заводи томонидан фойдаланилган ҳар бир темир йўл вагони шу йилнинг дастлабки ойларида 10 соатдан бекор туриб қолганлиги, бунинг учун минг-минг сўмлаб жарима тўланганлигини қандай баҳолаш мумкин? Корхонада сариёғни юклашда ишнинг механизациялаш даражасини ошириш бўйича министрлик ишлаб чиққан 15 тадбирнинг 5 таси бажарилмаганлиги билан асло келишиб бўлмайди. Корхонанинг омбор хўжалигида қўл билан бажариладиган юмушларни механизациялашга оид 4 та тадбирнинг иккитаси ижросиз қолдирилган. Меҳнатни ташкил этишнинг бригада усулини жорий этишга ҳам эътиборсизлик билан қаралмоқда. Каттақўрғон ва Янгийўл ёғ-мой комбинатларида ҳам бу борада суст иш олиб борилаётганлигини таъкидлаб ўтиш керак. Ушбу корхоналарда вагонларнинг бекор туриб қолишига қарши таъсирчан, самарали чоралар кўрилмаётир. Янгийўл комбинатида юк ортиш механизмларидан унумсиз фойдаланилмоқда. Иш жараёнинини тезлаштириш, меҳнат унумдорлигини оширишга хизмат қилувчи техника воситаларининг анчагина қисми қаровсиз аҳволда. Уруғлик чигитни сақлаш қонун-қоидаларига роя этилмаётир, омбор хўжалиги етарли эмас. Вагонларга совун ортиш ҳамон қўлда бажарилмоқда.

Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети республика Озиқ-овқат саноати министрлиги раҳбарлари эътиборини министрлик аппарати ва унинг қарамоғидаги корхоналарда директив органларнинг темир йўл транспортини ривожлантириш, темир йўл вагонларидан фойдаланишни яхшилаш, юк ортиш ва тушириш жараёнида механизациядан ишнинг кўзини билиб фойдаланиш ҳақидаги кўрсатмаларини бажаришда ижро интизомига етарли риоя этилмаганлигига қаратди. Уларнинг зиммасига министрликда текшириш натижаларини кенг муҳокама этиб, бу соҳада зарур тартиб-интизомни йўлга қўйиш учун қўшимча амалий чоралар кўриш вазифаси юклатилди.

Темир йўл вагонларидан фойдаланишни яхшилаш, юк ортиш-тушириш жараёнларини тезлаштириш лозимлиги қайд этилган кўрсатмалар, темир йўл транспорти ва омбор хўжалигини ривожлантириш бўйича бир қатор ташкилий-техникавий тадбирларнинг бажарилиши юзасидан етарли назорат йўлга қўйилмаганлиги учун Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлигининг транспорт бўлими бошлиғи Я. Давидовга ҳайфсан эълон қилинди. Ишлаб чиқаришни механизациялаштириш даражасини ошириш, вагонларнинг шахобча йўлларида бекор туриб қолишини камайтириш бўйича таъсирчан тадбирлар кўрилмаганлиги учун Янгийўл, Каттақўрғон ёғ-мой комбинатлари, Самарқанд чой қадоқлаш фабрикаси, Гулистон ёғ-экстракция заводи директорлари А. Ҳамзаев, Қ. Тўхтаев, Жумаев, Ем ўртоқлар тегишлича жазоландилар.

Самарқанддаги «Красний двигатель» заводи республикамиздаги йирик саноат корхоналаридан бири ҳисобланади. У трактор ва автомобиллар учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилган завод коллективи ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли адо этиш учун самарали меҳнат қилмоқда. Ҳозиргача планга қўшимча 350 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Корхонада сифатли маҳсулотларнинг салмоғи тобора ортиб бораётир.

ТАЪСИРЧАНЛИК ОШМОҚДА

Бу ютуқларни қўлга киритишда заводдаги 200 дан зиёд халқ назоратчисининг муносиб ҳиссаси бор, албатта. Халқ мулки посбонлари ўтган олти ойда 60 га яқин текшириш ва рейдлар ўтказиб, материаллардан самарали фойдаланиш ва тежамкорликка эришиш, маҳсулотлар сифатини яхшилаш ва меҳнат унумдорлигини ўстириш борасида актив фаолият кўрсатмоқдалар. Жумладан, назоратчилар темир йўл вагонларидан қандай фойдаланилаётганини синчковлик билан кузатмоқдалар.

Шуниси характерлики, халқ контроли группаси аъзолари бевосита иш ўрнида ҳам касбдошларига ўрнак кўрсатмоқдалар. Уларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилган 19 та рационализаторлик таклифи туфайли ўтган йили 83,6 минг сўм иқтисодий наф кўрилди. Хусусан, актив халқ назоратчиларидан Л. Янулионис ва В. Иосилевичларнинг таклифлари туфайли 10 тонна металл тежаб қолинди.

М. АЛИМОВ.

Назоратнинг самарадорлиги учун

ИЖРО МАСЪУЛИЯТИ

Халқ билан бамаслаҳат иш кўриш, оммانинг талаб ва эҳтиёжларига сезгирлик билан қараш, қарорлар, тадбирлар ва таклифларнинг амалда бажарилишини таъминлаш назорат самарадорлиги ва таъсирчанлигининг асосий мезонидир. Биз шундай ишлашимиз керакки, токи текшириш пайтида аниқланган камчилик оператив тарзда тугатилсин, биронта ҳам танқидий мулоҳаза, ҳаққоний талаб оқибатсиз қолмасин.

Районимиз колхоз ва совхозларида, корхона ва ташкилотларида 297 халқ контроли группаси, 47 та халқ контроли пости ишлаб турибди, улар атрофига 2650 дан ортиқ халқ назоратчиси уюшган. Группа ва постлар фаолиятини активлаштириш, халқ контроли органларининг омма билан алоқасини мустаҳкамлаш, қабул қилинган қарорларнинг аниқ бажарилишига эришиш ҳамма вақт диққат марказимизда турибди.

Халқ контроли группалари ва постларида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишларида илгари сурилган таклифлар, танқидий мулоҳазалар ва наказлар қандай бажарилаётганлиги тўғрисида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман. Меҳнат коллективларида ўтказилган 344 йиғилишда 22 мингга яқин киши иштирок этди, 2033 киши сўзга чиқди. Йиғилишларда 2038 таклиф ва танқидий мулоҳаза ўртага қўйилди. Халқ контроли органлари фаолиятини яхшилашга оид 1386 таклиф ва мулоҳаза баён қилинди.

Таклифлар ва мулоҳазалар район халқ контроли комитетида атрофлича ўрганилди ва умумлаштирилди, амалда бажариш учун тегишли ташкилотларга тақдим этилди, энг актуал масалалар бўйича район партия ва совет ташкилотларига ахборот берилди. Қайси таклиф ким томонидан қачон амалга оширилиши, муайян тадбирларнинг ижроси учун ким масъул эканлиги белгилаб чиқилди. Меҳнаткашлар кўтариб чиққан ҳаётий муҳим масалаларнинг кўпчилиги ижобий ҳал қилинганлигини қониқиш билан қайд қилсак арзийди.

38-кўчма механизациялашган колонна ҳар хил сабаблар билан болалар боғча-яслиси қурилишини чўзиб юборганлиги ҳақли эътирозга сабаб бўлган, ёш болали оналар қурилишни тезлатишда ёрдам сўраган эди. Ҳақиқий аҳвол ўрганилиб, қурилишдаги нуқсонларни тугатиш чоралари кўрилди, халқ контроли комитети бу масалани район ижроия комитети муҳокамасига киритди. Объект қурилишига қўшимча транспорт, бинокорлик материаллари ажратилди. Натижада қурилишда бурилиш ясалди ва ишлар жадаллашди.

Аҳолига хизмат кўрсатадиган тармоқлар ишини назорат қилишга алоҳида аҳамият бермоқдамиз. Халқ контроли органлари ҳисобот-сайлов йиғилишларида бу соҳадаги нуқсонларни бартараф этишга қаратилган бир қатор таклифлар, асосли талаблар илгари сурилган эди. Жумладан, электр қуввати ва ёқилғи сарфини қисқартириш, нонни эҳтиёт қилиш, умумий овқатланиш тармоқларида таомларнинг сифатини яхшилаш, медицина ва соғломлаштириш муассасалари ишини намунали ташкил этиш борасидаги таклифлар амалга оширилди. Пахта тозалаш заводи ишчиларининг таклифига мувофиқ аҳолини чой, қандолат маҳсулотлари, бинокорлик материаллари билан таъминлашни текшириш юзасидан савдо шохобчаларида рейд ўтказилди, унда жамоатчи активистлар, ишчилар ҳам қатнашди.

Шу фактни алоҳида қайд қилиш керакки, қабул қилинган қарорлар, белгиланган тадбирлар аниқ бажарилишини таъминлашда штатсиз бўлимлар ва инспекторлар халқ контроли органлари ишига самарали ёрдам беришяпти. Район халқ контроли комитети ҳузурида 8 та штатсиз бўлим ва уларнинг секторлари, 86 та жамоатчи инспектор иш олиб бормоқда. Штатсиз бўлимлар перспектив план асосида текширишлар ўтказиш, комитет мажлисларига масалалар тайёрлашда актив қатнашадилар. Масалан, қишлоқ хўжалик штатсиз бўлими хўжаликларда ердан фойдаланишнинг аҳволини текшириб чиқди. Текшириш натижалари муҳокама қилинганч, қатор камчиликлар ўз вақтида бартараф этилди. 6 та хўжаликда 40,3 гектар ортиқча томорқа ер колхозларга қайтарилди. Яқинда сувдан фойдаланишнинг аҳволи ўрганилиб, комитет мажлиси муҳокамасига киритилди, бу масала юзасидан таъсирчан чоралар кўрилди. Ҳозир комитет аъзолари, штатсиз инспекторлар мутахассислар иштирокида чорва молларга озуқа тайёрлашнинг бориши тўғрисидаги масалани район ижроия комитети муҳокамасига тайёрламоқдамиз.

Қарорнинг кучи, текширишнинг самарадорлиги сўз билан иш бирлигида эканлигини биз яхши биламиз. КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленумида ишлаб чиқаришнинг ҳар бир участкасида, бошқарувнинг ҳар бир соҳасида давлат, меҳнат ва ижрочилик интизомини мустаҳкамлашга катта эътибор берилганлиги бежиз эмас. Шунинг учун ҳам ҳар бир қарор ва тадбирнинг, ҳақли талаб ва таклифнинг ижроси учун масъулиятни тинмай оширишни бурчимиз деб ҳисоблаймиз.

Д. ХУЖАЕВ,
Ҳазорасп район халқ контроли комитети раиси.

Республикамиз пойтахтидаги «Подъёмник» заводининг механика цехи халқ назоратчилари меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини янада яхшилаш, иш ўрнида тартиб-интизомни кучайтириш учун курашда фаол иштирок этмоқдалар. Суратда: халқ контроли группаси раисининг ўринбосари Л. Снегирёв назоратчилардан Б. Қосимов ва Д. Раҳмоновлар билан токарь Ф. Садриддинов (чапдан иккинчи) тайёрланган маҳсулотни кўздан кечирмоқдалар.

В. Молгачёв фотоси.

МУҲИМ ҲИССА

Чирчиқ шаҳридаги қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металлар комбинати ўтган йили янги технологияни жорий этиш бўйича амалга оширилган тадбирлардан 4,5 миллион киловатт соат электр энергияси, 6200 гигакалорий иссиқлик энергияси, 1670 тонна шартли ёқилғи, анчагина вольфрам ангидриди ва бошқа кўплаб қимматбаҳо хомашёларни тежаб қолишга эришди. Комбинат халқ назоратчилари актив жамоатчилик фаолиятлари билан бу муваффақиятлар салмоғини оширишга эришмоқдалар. Улар партия ва ҳукуматимиз директиваларини амалга оширишда корхона партия ташкилоти ва маъмуриятига яқиндан ёрдам кўрсатмоқдалар.

Халқ контроли бош группасининг планида хом ашё ва материалларни ҳисоб-китоб қилиш, уларни тежам билан ишлатишга оид тадбирларнинг, рангли металлар чиқиндиларини йиғиб-териб олиш, сақлаш ва жўнатиш, социалистик мулкни авайлаб асрашни қаттиқ назорат остига олиш кўзда тутилган.

Социалистик мулкнинг қандай сақланаётганлигини текшириш бўйича яқинда ўтказилган жамоатчилик кўриги яхши натижалар берди. Масалан, 11-цехда кўрик давомида 400 киловатт соат электр энергияси тежалиб, 2 минг куб метр водород ва бошқа хом ашёлар иқтисод қилинган. Меҳнат интизоми кучайиб, иш вақтидан фойдаланишда қаттиқ тартиб йўлга қўйилди.

Шунингдек, кўрикда қатор камчиликларга йўл қўйилаётганлиги ҳам ошкор этилди. Масалан, капитал қурилиш бўлими омборларида сақланаётган ускуналарнинг бир қисми комплектланган эмас. Уларни сақлашда тегишли қоидаларга риоя қилинмаётир. Омбор биносининг ҳозирги аҳволи талабга жавоб бермайди.

Оммавий кўрик якуни чиқарилгандан бироз ўтгач ушбу масала бўйича қайта текшириш ўтказилди. Унда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати яхшиланаётгани, металлом йиғиш тартибга келтирилгани, техника ва ускуналарни сақлашга эътибор кучайтирилгани қайд этилди.

Баъзи текширишлар шуни кўрсатмоқдаки, комбинатда ёғоч материалларидан фойдаланиш, уларни сақлашда тартибсизлик ҳукм сурмоқда. Ўтган йили корхонада беҳуда сарфланган ёғоч-тахта ўнлаб куб метрни ташкил этди. Ушбу нуқсонлар ҳақидаги қайдлар корхона маъмуриятига топширилганига қарамай бу соҳада ҳали олдинга силжиш кўринмаётир.

Комбинат халқ контроли бош группаси ўз текширишларининг самарадорлигини ошириш учун курашни кучайтирмоқда.

Б. БАБКИН.

Чирчиқ шаҳридаги қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металлар комбинати халқ контроли бош группасининг раиси.

БУТУН ҲОСИЛНИ ЙИҒИБ ОЛАЙЛИК, ҚАЙТА ИШЛАЙЛИК ВА АСРАЙЛИК!

СУРЪАТГА ҚАНОТ

Совхозимиз коллективи бу йил 20,5 минг тонна сабзавот етиштириш ва давлатга топшириш мажбуриятини олган. Шу кеча-кундузда ҳамманинг диққат-эътибори юксак мажбуриятни бажаришга қаратилган. Барча ишлар социалистик мусобақа асосида ташкил этилганлиги туфайли ҳозироқ дастлабки қувончли натижаларга эришилди. Давлатга 2284 тонна эртаги карам сотилди. Бу — пландагидан 184 тонна кўп. 17 тонна ўрнига 34 тонна саримсоқ пиёз, 34 тонна бодринг, 35 тонна редиска, 107 тонна кабачка, 21 тонна мева сотдик. Помидор топширишга қизғин давом этмоқда. Умуман, совхозимиз коллективи бугунгача 3360 тоннадан ортиқ маҳсулот етиштириб эл дастурхонига етказиб берди.

Ана шундай улуғвор вазифаларни амалга оширишда халқ назоратчилари меҳнат аҳли билан ёнма-ён туриб фидокорлик кўрсатишяпти. Совхозимизда 4 та цех халқ контроли группаси, 32 та пост бўлиб, уларга 157 нафар назоратчи бирлашган. Жамоат мулкини кўз қорачиғидек авайлаб асраш, уни талон-тарож қилишга йўл қўймаслик учун курашда жон куйдираётган назоратчиларнинг 40 нафари коммунистлар, 42 нафари хотин-қизлар эканлиги қувончлидир. Сабзавот етиштириш ва тайёрлаш мавсумида назоратчилар ўз фаолиятларини қизғин иш участкаларига кўчирдилар. Қилинаётган ишларнинг сифатини яхшилаш, ҳосилни ўз вақтида йиғиштириб олиш, нобудгарчиликка йўл қўймаслик назоратчилар фаолиятининг мазмунини ташкил этмоқда.

2-бўлим халқ контроли группасига Обиджон Қодиров етакчилик қилади. Группа аъзолари эртаги карам, саримсоқ пиёзни нобуд қилмай йиғиштириб олишда олдинги сафда бормоқдалар. Матолибжон Валиев раислик қилаётган 3-бўлим халқ контроли группаси аъзолари олма, ўрик теришда фаол иштирок этиш билан бирга бу ишда тартиб-интизом ўрнатдилар.

Акбарали Ҳамроқулов, Исмоилжон Қодиров, Одилжон Олимов, Зиёбек Мадаминов, Пўттихон Қодирова ва бошқа назоратчиларимиз дала ишларининг сифатли бажарилиши, иш суръатининг ортиб боришига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Совхозимиз коллективи Москва, Новосибирск, Куйбишев шаҳарларига 1800 тонна эртаги карам жўнатди. Бу ишда кекса назоратчи Исмоилжон Қосимов ва бошқалар алоҳида жонбозлик кўрсатишди.

Айни кунларда хўжалигимизда сабзавот, мева тайёрлаш ва уларни топшириш суръати тобора ошиб бормоқда. Халқ мулки посбонлари юксак мажбуриятни бажариш йўлида меҳнат ғайратининг кучайишига ҳар томонлама таъсир кўрсатмоқдалар.

И. СОҲИБОВ,
Андижон районидаги Охунбобоев номли сабзавотчилик совхози халқ контроли бош группасининг раиси.

ЖОЙЛАРДАН ХАБАРЛАР

МУБОРАК. Халқ назоратчилари Муборак шаҳрида қурилиш ишларини адо этиш, уй-жойларни фойдаланишга топширишда кўзбўямачилик, эътиборсизлик фактлари учраётганлигини аниқладилар. Бунга «Узбекгазжилстрой» трестининг 1-қурилиш-монтаж бошқармаси фаолиятини мисол келтирса бўлади. Бошқарма ўтган йили ва шу йилнинг баҳорида меҳнаткашларга тақдим этган 4-микрорайондаги 15-, 2-микрорайондаги 20-уйларда бир қатор ишларни пала-партиш, тартибсиз бажарган. Текшириш чоғида маълум бўлдики, ушбу уйларда оилалар кўчиб киргандан кейин ҳам сувоқ, пол қоқиш ишлари давом эттирилган. Умуман олганда, бажарилмаган ишларнинг ҳажми 15-уйда 44260, 20-уйда эса 4812 сўмни ташкил этган. Амалга оширилган ободончилик, кабель ётқизиш ишлари анча бўрттириб кўрсатилган.

Район халқ контроли комитети объектлар қурилишида бир қатор камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилаётганлиги, ишда керакли тартиб ва интизом ўрнатилмаганлиги учун бу ишга бевосита мутасадди бўлган юқоридаги ташкилотлар раҳбарларига нисбатан интизомий жазо чоралари кўрди.

Қ. СОБИРОВ,
Қашқадарё области.

* * *

ФАРҒОНА. Область халқ контроли комитети илмий-техника тараққиёти ютуқлари ҳамда илғор технологияни ишлаб чиқаришга жорий этишнинг аҳволи, меҳнат унумдорлигини ошириш топшириқлари қандай бажарилаётганлигини текшириш чоғида бу борада бир қатор камчиликларга йўл қўйилаётганлигини аниқлади. Бунга «Узбекгазжилстрой» трестининг 1-қурилиш-монтаж бошқармаси фаолиятини мисол келтирса бўлади. Бошқарма ўтган йили ва шу йилнинг баҳорида меҳнаткашларга тақдим этган 4-микрорайондаги 15-, 2-микрорайондаги 20-уйларда бир қатор ишларни пала-партиш, тартибсиз бажарган. Текшириш чоғида маълум бўлдики, ушбу уйларда оилалар кўчиб киргандан кейин ҳам сувоқ, пол қоқиш ишлари давом эттирилган. Умуман олганда, бажарилмаган ишларнинг ҳажми 15-уйда 44260, 20-уйда эса 4812 сўмни ташкил этган. Амалга оширилган ободончилик, кабель ётқизиш ишлари анча бўрттириб кўрсатилган.

Район халқ контроли комитети объектлар қурилишида бир қатор камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилаётганлиги, ишда керакли тартиб ва интизом ўрнатилмаганлиги учун бу ишга бевосита мутасадди бўлган юқоридаги ташкилотлар раҳбарларига нисбатан интизомий жазо чоралари кўрди.

Қ. СОБИРОВ,
Қашқадарё области.

* * *

НАВОИЙ. Республика «Госкомсельхозтехника» с и нинг Қизилтепа районлараро ишлаб чиқариш бирлашмасида давлат ва молия интизомига риоя этишда қонунсизликларга йўл қўйилмоқда. Ана шу масала бўйича текшириш ўтказган халқ назоратчилари бирлашмада белгиланганидан анча кўп ишчи ва мутахассис меҳнат қилаётганлигининг гувоҳи бўлдилар. Штат интизоми мунтазам равишда бузиб келинмоқда. Маош ва мукофотлар учун белгиланганидан кўпроқ маблағ сарфланмоқда. Фақат шу йилнинг дастлабки уч ойида 34,7 минг сўм мукофот пули тўланган. Бухгалтерия ҳисоби яхши йўлга қўйилган эмас, касса интизомига риоя этилмайди, ҳисобот ҳужжатларини тайёрлашда палапартишликка йўл қўйилмоқда.

Область халқ контроли комитети ўз хизмат вазифаларига масъулиятсизлик билан муносабатда бўлганлиги, молия интизоми қўпол равишда бузиб келингани, пул маблағларидан фойдаланишдаги хўжасизликлар учун «Госкомсельхозтехника»нинг Қизилтепа районлараро ишлаб чиқариш бирлашмаси бош бухгалтери Н. Ҳамдамовни вазифасидан четлаштирди.

О. РАВШАНОВ.

* * *

МАБЛАҒЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИЛМОҚДА. Халқ назоратчилари Муборак шаҳрида қурилиш ишларини адо этиш, уй-жойларни фойдаланишга топширишда кўзбўямачилик, эътиборсизлик фактлари учраётганлигини аниқладилар. Бунга «Узбекгазжилстрой» трестининг 1-қурилиш-монтаж бошқармаси фаолиятини мисол келтирса бўлади. Бошқарма ўтган йили ва шу йилнинг баҳорида меҳнаткашларга тақдим этган 4-микрорайондаги 15-, 2-микрорайондаги 20-уйларда бир қатор ишларни пала-партиш, тартибсиз бажарган. Текшириш чоғида маълум бўлдики, ушбу уйларда оилалар кўчиб киргандан кейин ҳам сувоқ, пол қоқиш ишлари давом эттирилган. Умуман олганда, бажарилмаган ишларнинг ҳажми 15-уйда 44260, 20-уйда эса 4812 сўмни ташкил этган. Амалга оширилган ободончилик, кабель ётқизиш ишлари анча бўрттириб кўрсатилган.

Район халқ контроли комитети объектлар қурилишида бир қатор камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилаётганлиги, ишда керакли тартиб ва интизом ўрнатилмаганлиги учун бу ишга бевосита мутасадди бўлган юқоридаги ташкилотлар раҳбарларига нисбатан интизомий жазо чоралари кўрди.

Қ. СОБИРОВ,
Қашқадарё области.

* * *

ФАРҒОНА. Область халқ контроли комитети илмий-техника тараққиёти ютуқлари ҳамда илғор технологияни ишлаб чиқаришга жорий этишнинг аҳволи, меҳнат унумдорлигини ошириш топшириқлари қандай бажарилаётганлигини текшириш чоғида бу борада бир қатор камчиликларга йўл қўйилаётганлигини аниқлади. Бунга «Узбекгазжилстрой» трестининг 1-қурилиш-монтаж бошқармаси фаолиятини мисол келтирса бўлади. Бошқарма ўтган йили ва шу йилнинг баҳорида меҳнаткашларга тақдим этган 4-микрорайондаги 15-, 2-микрорайондаги 20-уйларда бир қатор ишларни пала-партиш, тартибсиз бажарган. Текшириш чоғида маълум бўлдики, ушбу уйларда оилалар кўчиб киргандан кейин ҳам сувоқ, пол қоқиш ишлари давом эттирилган. Умуман олганда, бажарилмаган ишларнинг ҳажми 15-уйда 44260, 20-уйда эса 4812 сўмни ташкил этган. Амалга оширилган ободончилик, кабель ётқизиш ишлари анча бўрттириб кўрсатилган.

Район халқ контроли комитети объектлар қурилишида бир қатор камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилаётганлиги, ишда керакли тартиб ва интизом ўрнатилмаганлиги учун бу ишга бевосита мутасадди бўлган юқоридаги ташкилотлар раҳбарларига нисбатан интизомий жазо чоралари кўрди.

Қ. СОБИРОВ,
Қашқадарё области.

* * *

ФАРҒОНА. Область халқ контроли комитети илмий-техника тараққиёти ютуқлари ҳамда илғор технологияни ишлаб чиқаришга жорий этишнинг аҳволи, меҳнат унумдорлигини ошириш топшириқлари қандай бажарилаётганлигини текшириш чоғида бу борада бир қатор камчиликларга йўл қўйилаётганлигини аниқладилар. Бунга «Узбекгазжилстрой» трестининг 1-қурилиш-монтаж бошқармаси фаолиятини мисол келтирса бўлади. Бошқарма ўтган йили ва шу йилнинг баҳорида меҳнаткашларга тақдим этган 4-микрорайондаги 15-, 2-микрорайондаги 20-уйларда бир қатор ишларни пала-партиш, тартибсиз бажарган. Текшириш чоғида маълум бўлдики, ушбу уйларда оилалар кўчиб киргандан кейин ҳам сувоқ, пол қоқиш ишлари давом эттирилган. Умуман олганда, бажарилмаган ишларнинг ҳажми 15-уйда 44260, 20-уйда эса 4812 сўмни ташкил этган. Амалга оширилган ободончилик, кабель ётқизиш ишлари анча бўрттириб кўрсатилган.

Район халқ контроли комитети объектлар қурилишида бир қатор камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилаётганлиги, ишда керакли тартиб ва интизом ўрнатилмаганлиги учун бу ишга бевосита мутасадди бўлган юқоридаги ташкилотлар раҳбарларига нисбатан интизомий жазо чоралари кўрди.

Қ. СОБИРОВ,
Қашқадарё области.

РАССОМ ХАНДАСИ

ҚОҒОЗДА БОР-У...

Шуманай районидаги «Правда», «Комсомол» ва Гагарин номли совхозлар раҳбарларидан чорва қишловига қандай ҳозирлик кўрилаётганлиги ҳақида сўраб қолсангиз борми, олдингизга ҳўша-ҳўша ҳужжатларни келтириб ташлашади.

— Тайёрлаган ҳисоботларимизнинг нусхалари. Қилган ишларимиз унда кўзгудагидек акс этиб турибди.

Аммо, ҳамма гап ҳужжатлар билан амалий ишларнинг номутаносиблигида, ғарамланган дағал хашак билан ёзиб қўйилган баландпарвоз рақамларнинг бир-бирига тўғри келмаслигидадир.

Халқ назоратчилари ушбу кўзбўямачиликни кўриб таажжубдан ёқа ушлаб қолдилар. Келтирилган катта-катта рақамлар олдида уйиб қўйилган пичан ғарамлари мўъжазгина кўринди турибди. Конкрет фактларга мурожаат этадиган бўлсан, текшириш жараёнида бу соҳада қилинган ишларни «Правда» совхозида 183, «Комсомол» совхозида 56, Гагарин номли совхозда эса 36 тонна ошириб кўрсатилганлиги ошкор этилди. Назаримизда хўжаликларнинг раҳбарлари дағал хашак жамғаришнинг тошбақа суръат билан бораётганлиги, ҳосилдорликнинг пастлигини ана шу жимжимадор рақамлар орқасига яширишмоқчи шекилли.

Хўш, кўзбўямачилик қилиб ўзини овунтираётган юқоридаги совхозларнинг директорлари Конкозов, Реимов ва Адакиевлар қиш фаслида чорва молларни қилинган ишлар қалбакилаштириб кўрсатилган ҳисобот қоғозлари билан боқишармикин?

С. ГУЛНОРОВ.

СЎЗ ВА ИШ БИР БЎЛМАГАЧ

Пахтаобод районидаги Ғафур Ғулом номли совхознинг 4-бўлими бошлиғи К. Йўлдошевнинг минерал ўғитларнинг хосияти ҳақида қилган маъруза-ларини кўп маротаба эшитганмиз. Қайси экинга қай маҳалда ўғит солишдан тортиб, уни туплар остига қанча миқдорда қандай қилиб берилишигача ҳамма-ҳаммаси у киши учун беш қўлдай аён.

Аммо, сўз билан иш бир бўлмагач қийин экан. У кишининг ҳам, чамамизда, айтганларини қилиш керагу, аммо қилган ишларидан тортиниш керакка ўхшаб қолди. Бўлимнинг экин майдонларини айланган киши бундан бошқача фикрга келиши қийин. Бу ерда минерал ўғитларнинг авайлаб сақланиши ҳақида қайғурадиган кишининг ўзи йўқ. Шу мақсад билан қурилган бостирмалар ҳам ремонт талаблигича ётибди. Натижада қанчақанча минерал ўғитлар очиқ ҳавода қаровсиз ҳолда сақланмоқда. Саккиз тонна аммиак селитраси ёғин-сочин остида қолганлигидан тош қотиб, яроқсиз аҳволга келган. Катта маблағ ва меҳнат эвазига сотиб олинган бу ўғит ҳақида бўлим бошлиғи ўйлаб ҳам кўрмаётганлиги таажжубланарлидир.

Куни кеча минерал ўғитларни авайлаб сақлашга лоқайдлик кўрсатаётганлиги халқ мулки посбонлари томонидан фош этилган К. Йўлдошев ушбу масала муҳокама этилган дамларда бу ҳаддан ташқари совуққонлиги учун нимани баҳона қилиб кўрсатар экан.

Р. УСАРОВ,
К. АЛИЕВ.

ЧАП ЧЎНТАК ТАШВИШИ

Советобод районидаги савдо ташкилотларида аҳолининг кундалик эҳтиёжи қандай қондирилаётганлиги ҳақида сўраб-суриштирган киши ғаройиб ҳангомаларга дуч келиши табиий. Бу масалага ўгай соҳа сифатида муносабатда бўлинаётир десак муболаға қилмаган бўламиз. Унга қизиқиб, жон куйдириши лозим бўлган кишилар болта тушгунча кунда дам олади қабилида иш тутиб, ором уйқусидан уйғонгилари келмаяпти.

Яқинда ўтказилган тафтишда савдо хизмати савияси ҳақида умуман бош қотирилмаётганлиги маълум бўлди. Халқ назоратчилари назаридан ўтган 29 магазиндан 19 тасида товарларнинг хили ва тури белгилланганидан анча кам. Уларнинг аксариятида хизмат кўрсатиш маданияти ҳозирги кун талабларига жавоб бермайди, совет савдоси қонун-қоидаларига хилоф равишда иш тутиш, баъзи товарларнинг ҳарид нархларини ошириб кўрсатиш, танқис товарларни беинтиз сотишга йўл қўйилаётир.

Бу борада Жом ишчилар кооперациясига қарашли 5-аралаш моллар магазини сотувчилари, айниқса, насбдошларини ярим йўлда қолдириб кетишяпти. Улар 900 сўмлик харидоргир товарларни яшириб қўйганларида қўлга тушишди.

Советобод районидаги матлубот жамияти раҳбарлари, айниқса, Жом ишчилар кооперацияси раиси Шаропов, 5-магазин мудири Қудратовлар бу камчиликларга қачон барҳам беришарикин?

С. ҚОДИРОВ.

Рассом А. Холиқов.

БУГУН – САВДО ХОДИМЛАРИ КУНИ

ХАРИДОР МАМНУНБЎЛСИН

Савдо ходимлари куни ара фасида мухбиримиз Ўзбекистон ССР савдо министри Мадамин Ҳасанович ҲАСАНОВ билан учрашиб, унга бир неча савол билан мурожаат қилди. Қуйида ушбу интервью билан танишасиз.

— Савдо совет кишиларининг моддий фаровонлигини ошириш билан бевосита боғлиқ бўлган соҳадир. Харидорлар талабларини янада тўлароқ қондириш учун республикада қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Партия ва ҳукуматимиз халқ хўжалигининг ҳамма тармоқлари каби хизмат кўрсатиш соҳасини, жумладан савдони ривожлантириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилмоқдалар. Шу ўринда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Юрий Владимирович Андроповнинг Москва станоксозлари билан учрашувда айтган гапларини эслатиб ўтмоқчиман. «Иш ҳақининг ўсиши агар керакли, яхши товарлар билан таъминланмаган бўлса, ниҳоят, хизмат кўрсатиш соҳаси оқсаётган бўлса, у реал фаровонлик келтирмайди». Мана шу гапларнинг ўзида аҳолининг фаровонлигини ошириш учун хизмат кўрсатиш соҳасининг ишини такомиллаштириш зарурлиги алоҳида таъкидланган.

Биз КПСС XXVI съезди қарорларини амалга ошира ётириб, тармоқни ривожлантириш, кундалик зарур товарлар билан узлуксиз савдо қилишни таъминлаш, аҳолига савдо хизмати маданиятини ошириш чораларини кўряпмиз. Шу беш йилликнинг ўзидагина республикамиз шаҳарларида умумий овқатланиш корхоналаридаги ўринлар сони 18 процент кўпаяди. Министрлик савдо базаларини, саноат моллари ва озиқ-овқат сақланадиган омборларни кўпайтириш ишларини изчил амалга оширяпти.

— Магазинларда харидорлар эътиборини жалб қилмаётган саноат моллари жуда кўп. Шу хусусда сизнинг фикрингиз қандай?

— Саноат корхоналарининг коллективлари кенг истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, сифатини ошириш чораларини кўришяпти. Буни биз ҳаммамиз сезиб турибмиз. Лекин айрим саноат корхоналари ҳамон харидорлар дидига мос келмайдиган товарлар ишлаб чиқаришни давом эттиришяпти. Бундан икки йил аввали харидор билан ҳозирги харидорнинг фарқи бор. Кишиларимиз талабчан бўлиб қолишди. Лекин ана шу дидли, талабчан харидорлар эҳтиёжларини ўрганиш ва уни қондириш соҳасидаги ишларимиз ҳали талаб даражасида эмас. Яна шуни ҳам таъкидламоқчиманки, биз яхши товарларни ҳам яхши реклама қилолмаймиз. Магазинларда нормативдан ортиқча товарлар тўпланиб қолаётганлигининг асосий сабаблари ана шулардир. Лекин бунда савдо ходимларининг ҳам айби бор. Чунки берилган буюртмалар ва шартномаларга мувофиқ равишда саноат корхоналаридан юқори сифатли ва белгиланган асоссортиментдаги товарларни талаб қилиш савдо ташкилотларининг ҳам ҳуқуқи, ҳам бурчидир. Бироқ улгуржи савдо идоралари ва базаларининг, савдо корхоналарининг ходимлари етарли талабчанлик қилишмаяпти. Аҳолининг эътиборидан қолган буюмлар ишлаб чиқаришдан олиб ташланишига эришмаётирлар.

— Савдо маданиятини ошириш ҳозирги энг муҳим вазифалардан бири бўлса керак. Бу хусусда қандай ишлар қилиняпти?

— Савдо маданияти товар обороти планларини ошириб бажаришда катта омилдир. Шу билан бирга савдо ходимларининг ишига уларнинг харидорлар билан муомаласига ҳам қараб баҳо берилади. Буларнинг ҳаммаси савдо ходимлари ўртасида тарбиявий ишларни янада кучайтиришни тақозо этади. Биз яқинда коллегиянинг кенгайтирилган мажлисида КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XI пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларимизни атрофлича муҳокама қилиб олдик, план ва топшириқларни сўзсиз бажариш юзасидан қўшимча чораларни белгиладик. Тарбиявий-ғоявий ишларни кучайтириш билан бир қаторда савдо корхоналари ва ташкилотлари раҳбарлари олдига ҳиш режимига қатъий риоя қилиш, харидорларни алдаш, растрата каби салбий ҳодисаларни тугатиш юзасидан қатъий талаблар қўйилди. Иш шундай ташкил этилиши керакки, магазинда, ресторанда, кафеда, ошхонада савдо қоидалари мутлақо бузилмасин, аҳолига намунали хизмат қилиш учун ҳамма шароит яратилсин.

Савдони юксак даражада ташкил этиш учун бизда ҳамма шарт-шароитлар мавжуд. Энди ҳамма гап кадрларга боғлиқ. Шунинг учун ҳам савдо корхоналари партия ташкилотлари КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорларини изчиллик билан ҳаётга жорий этишга, тарбиявий ишлар самарадорлигини оширишга интилмоқдалар.

— Хизмат маданиятини кўрсатувчи яна бир мезон бор. Бу — савдо ходими билан харидорлар ўртасидаги хушмуомалалик, харид қилишда кишиларга амалий ердам кўрсатишдир.

— Жуда тўғри. Худди шу соҳада биз ҳали кўп иш қилишимиз керак. Харидор магазинга кириб, ўзига маъқул бўлган товарни сотиб олишига эришиш учун унга малакали маслаҳат бериш сотувчининг бурчи. Шунингдек, харид учун харидорга миннатдорчилик билдириш ҳам сотувчининг маданиятидан дарак беради. Афсуски, ҳозирча сотувчилар эмас, балки харидорлар сотувчига раҳмат айтишади.

Биз бу вазифаларнинг уддасидан чиқа оламиз. Андижон шаҳридан магазин мудири М. Мамажонова, Самарқанд шаҳридан катта сотувчи Н. Нарзиқулова, Тошкент марказий универмагининг катта сотувчиси М. Ҳакимов, «Ташкултторгг» магазини директори Алла Ивановна Фоменко, Киров районидаги озиқ-овқат моллари магазини мудири Клавдия Ивановна Шикунова каби юксак маданиятли, тажрибали савдо ходимлари сафи йил сайин кенгайиб боряпти. Савдо ходимлари ўртасидаги социалистик мусобақа илғор тажрибаларни ёйишга, савдо маданиятини оширишга хизмат қилмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, газета орқали республикамизнинг барча савдо ходимларини профессионал байрамлари — Савдо ходимлари куни билан табриклайман. Аҳолига намунали савдо хизмати кўрсатишда уларга катта муваффақиятлар тилайман.

БАЙРАМ ШАРАФИГА

Хизмат кўрсатиш маданиятини, тармоқнинг техника тараққиёти негизида иш самарадорлигини ошириш — совет савдосининг вазифаларидир. Тармоқ ходимлари профессионал байрам — Савдо ходимлари кунига бағишланган тантанали мажлисида ана шу вазифалар қандай ҳал этилаётганлиги тўғрисида гапирдилар. Мажлис 22 июль куни Москвада давлат марказий концерт залида бўлиб ўтди.

КПСС Марказий Комитетининг секретари Н. И. Рижков, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари И. И. Бодюл, КПСС Марказий Комитети бўлимининг мудири Я. И. Кабков, бир қанча министрликлар ва идоларнинг раҳбарлари, социалистик мусобақа ғолиблари, ишлаб чиқариш илғорлари, пойтахт жамоатчилигининг вакиллари президиумга чиқадилар.

СССР савдо министри Г. И. Вашченко доклад қилди.

Мажлис қанашчилари ишонтириб айтдиларки, тармоқ меҳнаткашлари шу йил ва беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун бутун куч, билим ҳамда тажрибаларини сарфлайдилар.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми партия ва хўжалик органларида кўп йил самарали ишлаганлиги, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги хизматлари учун Самарқанд области бўйича қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифатини белгилаш давлат бош инспектори ўртоқ Ғулом Ёқубович **Иброҳимов**га «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими» фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми партия, совет органларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон Компартияси Жиззах область комитетининг бўлим мудири ўртоқ Илёс **Бекетов**ни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

МУСОБАҚА КУНДАЛИГИ

ПЕШҚАДАМЛАР

Бухоро қорақўл заводининг илғор ишчиларидан Абил Адизов, Соли Устаолимов, Евдокия Слугина ва Самад Қаюмовлар беш йиллик топшириғини графикдан бир йил ўзиб бажардилар. Ҳозир улар 1984 йилнинг иккинчи ярми ҳисобига меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг ҳаммаси қорақўл терига ишлов беришнинг моҳир усталари сифатида корхона шарафини кўтармоқдалар. Иш вақтининг ҳар бир соатидан оқилона фойдаланиш, тезкор меҳнат усулларини эгаллаб олиш ҳаракати уларнинг смена топшириқларини 1,5 баравардан ошириб бажаришларига ёрдам бермоқда.

КЎП СТАНОКЧИЛАР ҒАЙРАТИ

Хива гилам комбинатининг ёш ишчи Ражаббиби Содиқова комбинатнинг кўп станокчилари сафига қўшилди. У корхонада ишлаётганига эҳди уч йил бўлишига қарамай, гиламдўзлик касбини мукаммал эгаллаб олиб, тажрибали дугоналаридан илғор меҳнат малакаси ва усулларини пухта ўрганди. Натижада корхонада хизмат қилиш зонасини 1,5 баравар кенгайтиришга эришди. Ҳозир у топшириқни ой сайин 140—150 процент қилиб адо этаётир. Ражаббиби пландан ташқари маҳсулот тайёрлаб, ҳозирдаёқ қўшимча равишда 30 тонна юқори сифатли калава етказиб берди.

«КОСМОС-1483» ПАРВОЗДА

1983 йил 20 июлда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-1483» учирилди.

Йўлдош ичига ўрнатилган аппаратлар СССР халқ хўжалигининг турли тармоқлари ва халқаро ҳамкорлик манфаатлари йўлида Ернинг табиий ресурсларини тадқиқ қилишни давом эттиришга мўлжалланган.

Йўлдошга ўрнатилган аппаратлар нормал ишламоқда.

Олинаётган ахборотлар ишлаб чиқиш ва фойдаланиш учун «Природа» давлат илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш марказига берилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҲУЗУРИДАГИ АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА АРХИТЕКТУРА СОҲАСИДА ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ КОМИТЕТИДАН

Адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари комитети 1983 йилги мукофотни олишга конкурсда қатнашиш учун қуйидаги номзодлар қўйилганлигини маълум қилади:

АДАБИЁТ ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК СОҲАСИДА

1. **Аҳмедов** Муҳаммад Али (**Муҳаммад Али**). **«Боқий дунё»** шеърий романи.

Ғафур Ғулом номли Сирдарё давлат педагогика институти илмий кенгаши тақдим этган.

2. **Воҳидов** Эркин Воҳидович (**Эркин Воҳидов**) **«Шарқий қирғоқ»**. Шеърлар ва поэма.

«Ёш гвардия» нашриёти тақдим этган.

3. **Раҳимов** Иброҳим Абдураҳимович (**Иброҳим Раҳим**) — Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси. **«Оқибат»** романи.

«Шарқ юлдузи» журнали редколлегияси тақдим этган.

4. **Державин** Владимир Васильевич. **«Қадимий йўл»**. Ўзбек поэзиясининг танланган таржималари.

А. С. Пушкин номли тил ва адабиёт институти ҳамда «Звезда Востока» журнали редколлегияси тақдим этган.

5. **Норматов** Умарали. **«Етуклик»**. Адабий-танқидий мақолалар тўплами.

В. И. Ленин номли Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент давлат университети ўзбек филологияси факультетининг илмий кенгаши тақдим этган.

6. **Матчонов** Омонбой (**Омон Матчон**). **«Сени яхши кўраман»**. Шеърлар тўпламлари.

Қарши давлат педагогика институти тақдим этган.

7. **Удалов** Александр Андреевич. **«Ватан фарзанди»** романи.

Ғафур Ғулом номли адабиёт ва санъат нашриёти коллективи тақдим этган.

ТАСВИРИЙ САНЪАТ СОҲАСИДА

1. **Чорнев** Рўзи Чориевич. **Замондошлар портретлари** туркуми ҳамда **«Жиззах, 1916 йил»** ва **«Қумқўрғон олмалари»** номли асарлар.

Ўзбекистон Рассомлар союзи правлениеси тақдим этган.

2. **Раҳматов** Маматқул. — авторлар коллективи раҳбари, **Гришченко** Филипп Иванович — ҳайкалтарош, **Шокиров** Анвар Назирович — Фарғона область бош архитектори, **Исматов** Ҳабибулла — ғишт терувчи. Қувасой шаҳридаги **В. И. Ленин ҳайкали ва майдон иншооти.**

Ўзбекистон Компартияси Фарғона область комитети тақдим этган.

3. **Раҳматуллаев** Анвар Аброрович, **Рябцев** Леонид Григорьевич, **Лунев** Владимир Александрович — ҳайкалтарошлар, **Адамов** Леон Тигранович, **Афанасьев** Ярослав Андреевич — архитекторлар, **Исломов** Шамсутдин, **Зисман** Наум Израйлевич — инженерлар. Тошкентдаги **«Ҳарбий мемориал»** архитектура-мемориал ансамбли.

Ўзбекистон Рассомлар союзи правлениеси президиуми тақдим этган.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ ВА КИНЕМАТОГРАФИЯ СОҲАСИДА

1. **Маҳбубов** Шавкат Ғуломович — режиссёр, **Каримов** Қўчқор, **Герасимов** Николай Павлович — операторлар. Ишчиларга бағишланган телевизион ҳужжатли фильмлар: **«Заводим — фахрим»**, **«Энг қаттиқ металл»**, **«Минус — дефицит»**, **«Болалар учун ясалган»** телевизион ҳужжатли фильмлар яратувчилари ижодий группаси.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети тақдим этган.

2. **Салимов** Дамир Исмоилович — сценарий автори ва постановкачи режиссёр, **Шокирова** Тамара Ҳалимовна — бош роль ижрочиси, **Қаюмов** Темур Абдуллаевич — постановкачи оператор, **Пушчин** Евгений Александрович — постановкачи рассом, **Вильданов** Румиль Жангирович — композитор, музика автори. **«Ленинградликлар, жигарбандларим»** тўла метражли рангли бадиий фильм, К. Ерматов номли «Ўзбекфильм» киностудияси маҳсулоти, 1980 йил.

Ўзбекистон Кинематографиячилар союзи тақдим этган.

3. **Қобулов** Анатолий Зуҳурович — постановкачи режиссёр, **Марьяновский** Григорий Иосифович — сценарий автори, **Абдуллаев** Даврон Мавлонович — постановкачи оператор, **Пушчин** Евгений Александрович — постановкачи рассом. **Вильданов** Румиль Жангирович — композитор, **Шокирова** Тамара Ҳалимовна — бош роль ижрочиси, **Алламуротова** Суллу — марказий роллардан бирининг ижрочиси. — **«Ўжар қиз»** тўла метражли рангли бадиий фильм, К. Ерматов номли «Ўзбекфильм» киностудиясининг маҳсулоти, 1981 йил.

Ўзбекистон Кинематографиячилар союзи тақдим этган.

ТЕАТР СОҲАСИДА

1. **Мусаев** Улуғбек Раззоқович — композитор, **Григорович** Юрий Николаевич — бош балетмейстер, **Попко** Юрий Викторович, **Скотт** Юламей Генриховна — постановкачи балетмейстерлар, **Копилов** Александр Алексеевич — дирижёр, **Золотарев** Николай Николаевич — постановкачи рассом, **Михальченко** Алла Анатольевна — ижро этувчи, **Лазарев** Алексей Алексеевич — ижро этувчи. Москва шаҳридаги **СССР давлат Академик Большой театри** саҳнасида қўйилган **«Ҳинд достони»** балети.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги тақдим этган.

САНЪАТ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ СОҲАСИДА

1. **Раҳмонов** Мамажон Раҳмонович. **«Ўзбек театри қадимий даврлардан 1917 йилгача»** монографияси.

Халқлар Дўстлиги орденли Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номли санъатшунослик институти илмий кенгаши тақдим этган.

2. **Каримова** Розия Зариповна. **«Баҳор ансамблининг рақслари»**. Республика рақс санъатига доир монографик тадқиқот.

Халқлар Дўстлиги орденли Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номли санъатшунослик институти илмий кенгаши тақдим этган.

АРХИТЕКТУРА СОҲАСИДА

1. **Ашрафий** Феруз Мухторович — авторлар коллективи раҳбари, **Онишченко** Анатолий Иванович — лойиҳа бош архитектори, **Насриддинов** Раҳим Ҳамедович — лойиҳа бош инженери, **Воҳидов** Муҳаммад Ҳурматович — архитектор, **Колибердин** Виктор Иванович, **Юсупов** Абдулла Аъзамович — қурувчи инженерлар, **Михайлов** Виктор Васильевич — инженер, **Калагов** Ҳожимурот Евстафьевич — монументалист рассом, **Овсепян** Альберт Хикаснович, **Авакян** Роберт Петросович — ҳайкалтарошлар. **1500 ўринли зали бўлган авиасозлар маданият саройи.**

Ўзбекистон Архитекторлар союзи правлениеси президиуми тақдим этган.

2. **Глазенкопф** Ольга Ярославна — лойиҳа бош архитектори, **Тунияиц** Ася Аркадьевна — лойиҳа бош инженери, **Одилов** Собир — архитектор, **Шахсуварян** Титран Вардович, **Кирилец** Иван Степанович, **Скребнев** Василий Степанович, **Муҳиддинов** Башрулла Саидкаримович — инженерлар, **Аксенов** Владимир Афанасьевич — ҳайкалтарош, **Булатов** Абдураҳмон Ғалиевич — комплекс бригада бошлиғи. Тошкент шаҳрида **Хирургия медицина илмий маркази-нинг архитектура ансамбли.**

Ўзбекистон Архитекторлар союзи правлениеси президиуми тақдим этган...

* * *

Тақдим этилган ишлар (асарлар) совет матбуоти органлари ва кенг жамоатчилик томонидан ўз вақтида актив муҳокама этилиши 1983 йилги Ҳамза номидаги мукофотни бериш чоғида катта ва қимматли ёрдам бўлади. Ижодий ва жамоат ташкилотлари, маданият муассасалари ва барча меҳнаткашлар Ҳамза номидаги мукофотни олиш учун кўрсатилган номзодларни муҳокама қилишда қатнашиб, матбуот саҳифаларида ёки комитет номига юборган хатларида ўз фикрлари, таклифлари ва мулоҳазаларини айтсалар, комитет улардан миннатдор бўлур эди.

Номзодлар тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар, жамоатчилик муҳокамалари тўғрисидаги материаллар комитетга қуйидаги адресга юборилсин: 700027, Тошкент шаҳри, Ново-Узбекистанская кўчаси 98-уй, 40-хона.

ПЛАНЕТАНИНГ БИР КУНИ

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

ЯНГИ АСБОБ-УСКУНАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ

● СОФИЯ. Янги технология асбоб-ускуналарини ишга тушириш натижасида Пловдивдаги «Агрия» химия заводида ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини ишлаб чиқариш ҳажми икки баравар кўпайди. Янги асбоб-ускуналарни Девнидаги химия машинасозлиги институтининг илмий ходимлари ишлаб чиқишган. Ана шу институт коллективи республика «улкан химияси»нинг етакчи корхоналари билан шартнома асосида бир қанча муҳим лойиҳаларни ишлаб чиқмоқда, Болгария индустриясининг етакчи тармоқларидан бирини серунум асбоб-ускуналар билан таъминлашга катта ҳисса қўшмоқда.

СОВЕТ БУЮРТМАСИ АСОСИДА

● ПРАГА. Бу ердаги «ЧКД—Татра» заводининг инженерлари ва конструкторлари совет транспортчиларининг буюртмаси билан янги типдаги трамвай яратдилар. «Т—3М» экспериментал модели аввалгиларидан салонининг ғоят қулайлиги ва осойишта юриши билангина эмас, фойдаланишда ғоят тежамлилиги билан ҳам фарқ қилади. Янги вагонлар аввалги трамвайларга қараганда 30 процент кам электр энергия сарфлайди. Дастлабки «Т—3М» трамвайлари совет шаҳарлари кўчаларига шу беш йилликда чиқарилади.

ТЕЗ СУРЪАТЛАР БИЛАН

ХАНОЙ. Химия саноати — Социалистик Вьетнам халқ хўжалигининг шу йил дастлабки олти ойи мобайнида ғоят муваффақиятли ривожланган тармоқларидан биридир. Бу тармоқда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврдагига нисбатан 11 процентдан зиёд кўпайди. Шу билан бирга тармоқдаги корхоналардан 20 таси биринчи ярим йил давлат планини ошириб бажарганлиги тўғрисида рапорт берди.

Лимтохаодаги суперфосфат заводи — тармоқдаги илғор корхоналардан биридир. Бу завод Совет Иттифоқи ёрдами билан қурилиб, ҳозир кенгайтирилмоқда. Бу ерда реконструкция қилинганлиги, илғор техника ва технологиянинг жорий этилганлиги, меҳнатни ташкил этиш такомиллаштирилганлиги туфайли кунлик химиявий ўғит ишлаб чиқариш ўтган йилдагига нисбатан анча кўпайди.

ИККИЛАМЧИ ХОМ АШЁ

БЕРЛИН. Қўнғир кўмирнинг 5 миллион тоннадан кўпроқ кули иссиқлик электр станцияларининг чиқинди маҳсулоти ҳисобланса ҳам, аммо бу йил ундан ГДРда иккиламчи хом ашё сифатида фойдаланилади. Кул ўша иссиқлик электр станцияларида ёқиладиган асосий ёқилғи турларига қўшиб ишлатилади. Шу туфайли ҳар йили 600 минг тоннадан кўпроқ қўнғир кўмир тежаб қолинади. Кулдан қурилишда ҳам кенг фойдаланилмоқда. Ҳозир қурилиш тармоғининг корхоналарида, аввало цемент заводларида ҳар йили иссиқлик электр станцияларининг 200 минг тоннадан кўпроқ чиқиндиси ишга солинмоқда. Кўча ва автомобиль йўллари қурилишида, товуш ўтказмайдиган материал тариқасида ва шу каби соҳаларда кулдан фойдаланилмоқда. Қишлоқ хўжалигида эса иссиқлик электр станцияларининг чиқитлари бир қанча экинларнинг ҳосилдорлигини анча оширадиган ўғит бўлиб хизмат қилмоқда.

ИККИЮЗЛАМАЧИЛИК ВА СУРБЕТЛИКНИНГ ЧЕКИ ЙЎҚ

ВАШИНГТОН. (ТАСС). Рейган маъмурияти Сальвадорда инсон ҳуқуқларига риоя этиш соҳасида «силжиш» бўлди, деб конгрессда расмий равишда «гувоҳлик бериб», ўзининг чексиз иккиюзламачилиги ва сурбетлигини яна бир бор намойиш қилди. Маълумки, бундай «гувоҳлик» қонҳўр Сальвадор режимига ёрдам беришни давом эттириш учун керак. Сўнгги марта бундай гувоҳлик ярим йил илгари берилган эди. Натижада конгресс маъмуриятнинг Сальвадорга 56,3 миллион доллар ажратиш тўғрисидаги талабини қондирди. Ҳозирги вақтда маъмурият ана шу мақсадлар учун салкам 80 миллион доллар миқдорида қўшимча маблағ ажратилишини талаб қилмоқда.

Обзорчиларнинг уқтириб ўтишларича, маъмурият бунга эришиш учун кейинги 6 ой давомида Марказий Америкадаги ана шу жафокаш мамлакатда реакцион ҳарбийлар ва ўта ўнг «ажал эскадронлари» зулмидан ҳалок бўлган кишилар сони анча кўпайганлигидан далолат берувчи ҳаммага маълум фактларни назар-писанд қилмай, ошкора ёлғон ва кўз бўямачилик ишлатмоқда.

ЛИВАН. Бекаа водийсида Исроил агрессорлари ва сурияликлар ўртасидаги тўқнашувларда кескинлик яна ҳам кучайиб кетди. Тель-Авив—Сурия ва Фаластин қисмлари позицияларини артиллериядан бир неча бор ўққа тутди. Суратда: сурияликлар олдинги позицияси яқинидаги Исроил кузатув пункти акс эттирилган.

ЮПИ — ТАСС телефотоси.

Р. Рейганнинг матбуот конференцияси

ВАШИНГТОН. (ТАСС). Президент Рейган Оқ уйда ўтказган матбуот конференциясида АҚШнинг Марказий Америкадаги сиёсатига асосий эътибор берилди. Президентнинг айтган гаплари яна шуни кўрсатдики, АҚШ маъмурияти шу регионда бевосита ҳарбий аралашиш учун замин ҳозирлаб, у ердаги аҳволни тинч бартараф этиш йўлидаги куч-ғайратларни қасддан барбод этмоқда ва кескинликни кучайтирмоқда, Никарагуанинг революцион ҳукуматини ағдариб ташлашга ва қўпол куч ёрдамида бошқа мамлакатлардаги миллий озодлик ҳаракатларини бўғиб ташлашга интилмоқда.

Оқ уй бошлиғи саволларнинг бирига жавоб қайтариб, Никарагуада сандиночилар ҳукумати ҳокимият тепасида турар экан, Марказий Америкада аҳволни тинч бартараф этишга ва регионда барқарорликка эришиш «жуда қийин» бўлади, деб даъвогал айтди. У АҚШ ана шу мамлакат соҳилларида «машқлар» ўтказиш учун у ерга ҳарбий-денгиз қўшилмаларини юборганлиги тўғрисида матбуот хабарларини тасдиқлади. «Биз ғарбий ярим шарда зиммамизда бўлган масъулиятга кўра шундай қилиш учун барча асосларга эгамиз, деб ўйлайман», — деди президент. Рейган Никарагуанинг сандиночилар ҳукуматига ашаддий ҳужумлар қилди, америкапараст диктатураларга қарши, ўз озодлиги ва мустақиллиги учун кураш олиб бораётган региондаги бошқа мамлакатларнинг ватанпарварларини «террорчилар» деб атади, қочиб қутилган сомосачи шайкаларни «демократия учун курашчилар» қилиб кўрсатди. Марказий разведка бошқармаси ана шу сомосачи шайкаларнинг қўли билан Никарагуага қарши эзлон қилинмаган уруш олиб бормоқда.

Рейгандан АҚШдаги энг кескин ва ўткир проблемалардан бири — ишсизлик проблемаси хусусида фикр билдиришини сўрашди. Ҳатто расмий маълумотларга кўра ҳам АҚШда салкам 11 миллион «ортиқча киши» бор. Президент бу фожианинг кўламини камайтириб кўрсатишга ва гўё проблема унчалик ўткир эмаслигига америкаликларни ишонтиришга уриниб, ҳар хил найранг ишлатди. Си-Би-Эс телекомпанияси ҳукуматнинг кейинги расмий маълумотини келтириб, Рейганни чинакам сохтакорликда фош этди. «Рейган гўё ҳозирги ишсизларнинг 30 процента биринчи марта иш излаётган кишилардан иборат, деб даъво қилди. Аслида эса улар атиги 13 процентни ташкил этади. Сўнгра Рейган гўё «жуда оз кишилар» олти ойдан кўпроқ вақтдан буён ишсиздир, деб даъво қилди. Ваҳолонки, ҳукуматнинг ўзи берган маълумотларга кўра, бундай кишилар ишсизларнинг 26 процентдан кўпроғини ташкил этади», — дейилади телекомпаниянинг хабарида.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● ЛОНДОН. Буюк Британия қурилиш саноатида ишсизлар ярим миллион кишидан ошиб кетди. М. Тэтчер бошчилигидаги консерваторлар ҳукумати давлат секторн эҳтиёжлари учун ажратиладиган маблағларни қисқартирганлиги сабабли мазкур тармоқ ниҳоятда оғир кризисга учради, деб ёзади «Морнинг стар» газетаси

● АДАН. Фаластин озодлик ташкилоти ижроия комитетининг раиси Я. Арафат Демократик Яман пойтахтига келди. Хабар қилинишича, визит давомида у ЯХДР раҳбарлари билан бирга Яқин Шарқдаги вазиятни, шунингдек Фаластин қаршилик ҳаракатидаги аҳволни муҳокама қилади.

● ДЕҲЛИ. Покистон раҳбар доираларининг ядровий қуролга эга бўлиш тўғрисидаги ниятлари Ҳиндистонда чуқур ташвиш туғдирмоқда. Мудофаа министрлиги ҳузуридаги парламент маслаҳат комитетининг бу ерда бўлиб ўтган мажлисида турли партиялардан депутатлар Исломобод атом бомбаси яратиш устида актив иш олиб бораётганлиги тўғрисидаги хабарларга эътиборни жалб этдилар. Покистон ҳарбий режимининг планлари, деб таъкидлашди мажлис қатнашчилари, Жанубий Осиёда тинчликни жиддий хавф остида қолдиради.

● НЬЮ-ЙОРК. Қўшма Штатлар ЖАР ирқчиларн билан тил бириктириб, Намибия устидан Жанубий Африка мустамлакачилик ҳукмронлигини мустаҳкамлашга ва қитъада мустамлакачилик ва ирқчиликнинг сўнгги манбаларини тугатиш учун қатъий курашаётган Африкадаги мустақил давлатларни заифлаштиришга уринмоқда. БМТнинг Намибия масалалари билан шуғулланувчи кенгашида БМТ Бош Ассамблеясининг XXXVIII сессиясида кўриб чиқиш учун тақдим этиладиган йиллик доклад лойиҳаси ана шундай хулоса чиқариш имконини беради.

(ТАСС).

ИСПАНИЯ НАТОга ҚАРШИ

МАДРИД, (ТАСС). Испанларнинг мутлақ кўпчилиги мамлакатнинг НАТОда иштирок этишига қарши чиқмоқдалар. Бу ерда ўтказилган матбуот конференциясида Испаниянинг ташқи ишлар министри Фернандо Моран эътироф этганидек, мамлакат аҳолисининг 67 процента ана шундай нуқтаи назарга амал қилмоқда. Унинг сўзларига кўра ҳукумат мамлакатнинг ана шу блок билан муносабатлари тўғрисида референдум ўтказиш ҳақидаги ваъдосини бажариш, унгача эса Испаниянинг НАТОдаги ҳозирги статусини ўзгартирмаслик ниятидадир. Мадрид ўтган йилнинг охирларида уюшманинг ҳарбий ташкилотидаги интеграция жараёнини расмий равишда тўхтатиб қўйган эди.

Ташқи ишлар министри ҳукумат Испаниянинг «умумий бозор»га қабул қилинишини унинг НАТОда иштирок этиши билан боғлиқ қилиб кўйиш йўлидаги уринишларга қарши чиқаётганлигини ҳам қайд этиб ўтди. Матбуотнинг маълумотларига кўра ғарбдаги баъзи мамлакатлар Испаниянинг Европа иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлиб кириши тўғрисидаги масалани Мадриднинг уюшма билан ўз муносабатларини қайта кўриб чиқиш ҳақидаги режаларидан воз кечишига боғлиқ қилиб қўйишга уринмоқдалар.

Испания дипломатиясининг бошлиғи Британиянинг Испания еридаги мустамлакаси — Гибралтар товарагидаги низони бартараф этиш тўғрисидаги масала хусусида Буюк Британия позициясини қоралади.

СПОРТ, ЁШЛИК, ДЎСТЛИК БАЙРАМИ

[Боши биринчи бетда].

мусобақаларида қатнашган миллионлаб киши финал мусобақаларда қатнашиш, иттифоқдош республикалар, Москва ва Ленинград терма командаларига кириш ҳуқуқи учун даъвогар бўлди. Яхшиларнинг энг яхшилари ана шу ҳуқуққа эга бўлди.

Спартакиаданинг финал мусобақалари программага киритилган 32 спорт турининг бир қанча турлари бўйича ўтиб бўлди. Жаҳон, СССР, барча иттифоқдош республикаларнинг янги рекордлари қўйилди.

Ҳозирги мусобақаларнинг қатнашчилари катта-кичик, ҳар хил ёш ва касбдаги кишилар Совет Иттифоқи кўпгина халқларининг вакилларидир.

Спартакиадага ўз атлетларини юборган 56 мамлакат байроқларини кўтарган чет эллик спортчилар йиғма колоннасини минбардагилар қарсаклар билан кутиб оладилар. Улар мусобақа эгалари билан биргаликда янги спорт чўққиларига интиладилар.

СССР физкультура ва спорт комитетининг раиси М. В. Грамова сўз берилади. У ўз нутқида физкультура ва спортни оммавий ривожлантиришга эътибор бериб, ғамхўрлик қилаётганликлари учун партия ва ҳукуматга чуқур миннатдорчилик изҳор этди. Биз ҳаммамиз бугунги кунда КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг СССР халқлари VIII ёзги Спартакиадаси қатнашчилари ва меҳмонларига йўллаган табрикномасининг зўр таассуроти остида турибмиз, деди у. Коммунистик партия билан совет ҳукумати мамлакат физкультура ҳаракати олдига қўйган вазифалар бажарилади.

СССР халқлари VIII ёзги Спартакиадасининг финал мусобақалари очиқ, деб эълон қилинади.

Республикалар командаларининг вакиллари бўлган спортчилар группаси СССР байроғини стадионга олиб киради. Байроқ Совет Иттифоқи давлат гимни садолари остида флагштокда юқори кўтарилади.

Олимпиада ҳаракатида Совет спортчиларининг хизматларига миннатдорчилик белгиси сифатида халқаро Олимпиада комитетининг байроғи Спартакиадага келтирилди. Бундан уч йил аввал бўлгани сингари бир-бирига ўтказилган беш халқали оппоқ байроқ флагштокка кўтарилади.

Стадионнинг электрон телевизион таблосида барча совет кишилари учун муқаддас жой — Кремль девори ёнидаги Номаълум солдат қабрида ёнаётган Мангулик оловини акс эттирган кадрлар пайдо бўлади. Олимпиада-80 чемпионлари Людмила Кондратьева билан Николай Сидоров стадионга олиб кирган икки машъала ана шу Мангулик оловидан, шунингдек пойтахтдаги «Серп и Молот» заводининг мартен печи алангасидан ўт олдирилганди. Улар каттакон товоқ сари кўтарилиб, Спартакиаданинг оловини ёқадилар. Бу олов 6 августга қадар ёниб туради. Шу оловда икки аланга — совет халқи жанговар ва меҳнат жасоратларининг рамзлари қўшилганлигининг юксак бир моҳияти бор.

Телетаблода тарихий кадрлар жонланади. Бу кадрлар Москва Олимпиадасининг машъаласидан ўт олдирилган Олимпияга олиб боради. Йиғилиш аҳли самимий табриклаб турган Грециянинг машҳур актрисаси Мария Москолиу қўлига оқ каптар ушлаб майдонга чиқади. У анъанага кўра қуёш нуридан Олимпиада машъаласини ўт олдиради. Бу каптар тинчлик ва дўстлик пойтахти — Москва осмонига кўтарилади.

Совет спортчилари тинчлик учун актив курашчиларнинг ҳамиша олдинги сафларида туриб келмоқдалар. Москва—Вашингтон ўртасидаги тинчлик велосипед пойгасига айни Ватанимиз пойтахтида старт берилди. Бу пойгада турли мамлакатларнинг яхши ниятли вакиллари қатнашмоқда. Яқинда тезсузар яхталар пойгаси «Балтика денгизи — тинчлик денгизи» деган шиор остида бўлиб ўтди. Унда Финляндия ва СССР спортчиларидан тузилган халқаро экипаж муваффақият билан қатнашди.

...Стадион узра «Бутун ер юзи йигитлари...» деган қўшиқ янграйди. Спортчилар, байрамининг ҳамма қатнашчилари унга жўр бўладилар. Планета ёшларининг инъикоси сифатида Патрис Лумумба номидаги университет студентлари группаси билан барча иттифоқдош республикалар халқларининг вакиллари бўлмиш совет йигит ва қизлари группаси миллий либосларда бир-бирларига рўпарама-рўпара борадилар. Улар яхлит бир группани ташкил этадилар ва бир-бирларининг қўлларини ушлаб қўшиққа жўр бўладилар. Бутун стадион: «Спорт — тинчлик — дўстлик!», — деб хитоб қилади.

В. И. Ленин номидаги марказий стадионда бўлган бадиий-спорт байрами ёшлик, куч-қувват ва саломатликнинг, ер юзида тинчлик учун интернационал дўстликнинг тўлқинлантирувчи намойишига айланди.

Репортажни ТАСС мухбирлари М. БАРАТЯНЦ, А. ЕРМАКОВ, Е. ИВАНОВ, В. КУКУШКИН олиб бордилар.

БУХОРО ОБЛАСТИ. Ғиждувон керамика буюмлари заводи коллективи йилдан йилга ўз маҳсулоти хилларини кўпайтирмоқда. Уларнинг кўпчилиги давлат Сифат белгиси билан тамғаланган. Шу кунларда корхонада 16 хил буюм ишлаб чиқарилаётир. Корхона томонидан тайёрланаётган маҳсулотлар харидорларни мамнун этмоқда. Завод ишчилари йил охиригача 400 минг сўмлик шундай буюмлар ишлаб чиқаришга бел боғлашган. Бу эса планда кўзда тутилганидан 100 минг сўм кўпдир. Кўплаб сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун кенг авж олган мусобақада ёшлар ўрнак кўрсатмоқдалар. Суратда: корхонанинг илғор ишчиларидан комсомол аъзоси Раъно Содиқова. У смена топшириғини ҳар доим 110—120 процент қилиб адо этаётир.

А. Мирзажонов фотоси. (ЎзТАГ).

Сўнгги уруш

Абдулла ОРИПОВ,
Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати.

...Наҳотки, инсоният ўз кашфи билан ўзини ўзи вайрон этади.

Жавоҳарлаъл НЕРУ.

Бир қадам қўйсанг бас — нарёғи ўлим,
Бир қадам қўйсанг бас — шаксиз ҳалокат.
Одамзод бошида турибди шу зум
Қазойи муаллақ, мудҳиш фалокат.

Энтикиб кетади ногоҳ юрагим,
Машъум бу сўзларни тингларганим дам.
Бугун фақат тошлар бефарқдир, балким,
Бугун, балки, фақат булутлар беғам.

Асрлар сўнгида яралган инсон
Наҳот энди ўзин айласа барбод.
Наҳот охиратга юз бурса жаҳон,
Наҳот кароматлар ҳақ чиқса, наҳот.

Навоий абасдир, Пушкин ҳам абас,
Рим йўқ, Самарқанд йўқ... даҳшат, алҳазар!
Мозийдан бирор ном қолармиди, бас,
Келажакнинг ўзи бўлмаса магар.

О, одам, тангрига топиндинг нечун,
Айт, у ярадими бирор бир корга!!
Фаллоҳ манглайидан ўқ ейди бугун,
Сиғиниб турган чоғ парвардигорга.

Йўқ, бу пок диллардан йироқ маломат,
Бу — бани одамга кўргулик, шўриш.
Бу — шўрлик замина чанг солган офат,
Бу — дўзах, бу — ўлим, бу — сўнгги уруш.

Алҳазар, оламда наинки одам,
Ҳаётнинг ўзи ҳам кирса қабрга.
Коинот қаърида заминдан у дам
Наҳот эшитилса сўнгги қасирға.

Наҳотки, тангри ҳам, иблис ҳам кўр-кар,
Осий банда билан кетса жонҳалак.
Айт-чи, собит кучинг бор бўлса магар,
Бизни не муродда яратдинг, фалак!!

Бу бари — асримиз кашф этган бало,
Бу — ёвуз сармоя, ҳамиша басир.
Бошимиз устида турибди гўё
Бир соч толасига боғланган шамшир.

Уммон ортидаги митти қиз Смит
Жаҳон тақдири деб жар солар бу чоқ.
Ҳайҳот, ўшал жойда қайсидир палид
Унинг қисматига қайрайди пичоқ.

Мунис Ватанимнинг осойиш тоғин
Куйламоқ менга ҳам бахтдир беэвоз.
Йигирма миллион фарзанднинг доғин
Унутмоқни лекин ким қилар ҳаёл.

Ҳар ким она дейди мушфиқ ерини,
Оҳ, не ғам, онанй кулфатда кўриш.
Майли, шоир ёзсин сўнгги шеърини,
Фақат бўлмаса бас сўнгги бу уруш!

ТОШКЕНТ ЮБИЛЕЙИГА БАҒИШЛАБ

Шаҳарнинг 2000 йиллигига бағишланган «Тошкент-83» радио конкурсининг ғолиблари аниқланди. «Тошкент — тинчлик ва халқлар дўстлиги шаҳри» шиори остида ўтган конкурсда жаҳоннинг элликта мамлакатидан кўплаб чет эллик гражданлар қатнашди. Улар юборган хатлар ажнабий тингловчилар Ўзбекистон республикасининг пойтахти ва умуман Ўзбекистон тўғрисида яхши тасаввурга эга эканликларини кўрсатди.

Жюри конкурснинг тўртта ғолибини аниқлади. Булардан икки киши Ҳиндистондан, шунингдек Тунис ва Афғонистон вакилларидир. Улар сентябрь ойида Ўзбекистон бўйлаб ўн кунлик саёҳат қиладилар. Тошкент юбилейига бағишланган тантаналарда қатнашадилар, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабзда бўладилар.

Йигирма икки нафар чет эллик радио тингловчи иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллади. Улар қимматли совғалар билан мукофотланадилар.

Ўзбекистон радиосининг чет элларга бериладиган эшиттиришлар редакцияси, граждан авиациясининг Ўзбекистон бошқармаси, «Интурист»нинг Ўзбекистон бўлими ҳамда чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамияти ҳамкорликда ўтказган бу конкурс халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга қўшиладиган муносиб ҳиссадир.

КЎРГАЗМА ОРҚАЛИ ҲИКОЯ

Москвадаги Халқ хўжалиги ютуқлари зиставкасининг «СССРни электрлаштириш» павильонида Ўзбекистон энергетикларининг хизматини акс эттирувчи яна бир кўргазма ташкил қилинди. СССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги ташаббуси билан ташкил этилган бу кўргазма ҳамиша гавжум бўлиб, томошабинлар диққатини жалб этяпти. Унда энергетикларнинг турли тажрибалари тўғрисида ҳикоя қилинмоқда.

Кўргазманинг механизация йўли билан ремонт қилиш бўлимида намойиш этилаётган бир йўла 20 та кавак очадиган станок, айниқса, эътиборни ўзига тортади. У ишлаб чиқаришга жорий қилинса йилига 8000 сўм иқтисодий самара беради.

А. РАҲИМҚУЛОВА.

АВЛИЁ ЭМИШ...

ФЕЛЬЕТОН

Ҳасанбой босар-тусарини билмай қолди. Худди бир нарсасини йўқотган одамдай каловланиб, дуч келган кишига тушида кўрганларини сўзлаб беради. Унинг оғзидан чиқаётган гапларни эшитган одамлар эса ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билмай, ҳайратдан ёқа ушлаб қолишарди. Бир гап билан бировни астойдил ишонтириш қийин бўларкан. Охири Ҳасанбой маҳалла чойхонасига чиқиб, гурунглашиб ўтирган қариялар тўпига ўзини урди-да, гапни яна тушдан бошлади.

— Тунов кун эди, — одатдагидек гапни узоқроқдан бошлади у. — Машинамни ғизиллатиб кетаётсам, йўл бўйида ётган калла суягига кўзим тушиб қолди. Аввалига нима қилишимни билмадим. Кейин, нима бўлса бўлар, дедим-у, ўтиб кетавердим. Аммо ўша кечаси ухлолмай, туш кўриб чиқдим. Тушимда оппоқ соқолли бир мўйсафид киши менга бош чайқаганча шундай деди:

— Вой, болам-а, ҳалиги сен кўрган суяк юз етмиш тўрт минг азиз-авлиёдан бирининг бош чаноғи эди. Ҳозироқ бориб уни топгин-да, кафанлаб дафн эт. Шунда сен ҳам юртда валий, фолбин-табиб бўласан. Луқмони ҳакимдек ном қозонасан.

Чол шундай деди-ю, кўздан ғойиб бўлди. Чўчиб уйғониб кетибман. Уч-тўрт кунгача ўзимга келолмай юрдим. Охири, ўша калла суягини топиб дафн этдим-у, дардим аригандай, ўзимни бир бошқача ҳис эта бошладим...

Ҳасанбойнинг бу гапларидан кейин одамлар гурр этиб қулиб юборардилару, аммо... Шу пайт бирдан қий-чув кўтарилиб қолса бўладими. Узоқдан кимдир бир болани опичлаб келаётгани кўзга чалиниб қолди. У тўппа-тўғри Ҳасанбойнинг олдига келди-да, майиб бўлган болани кўрсатиб, «Ҳасан табиб, ёрдам беринг» деб қўл қовуштириб илтижо қилиб қолди. Шунда Ҳасанбой боланинг оёғини силаб, чиққан жойини ўрнига солиб қўйди. Ана шундан кейин Ҳасаннинг тушига Ҳазрати Хизр кириб, унга авлиёлик инъом этганлигига ишонадиган бўлишди...

Самарқанднинг Гўриғарибон қишлоғиликлар Ҳасанбойни шунчаки Ҳасан деб мас, авлиё Ҳасан ёҳуд Ҳасан табиб дейишларига яна бошқа миш-миш гаплар сабаб бўлди.

Кунларнинг бирида Ҳасанбой Самарқанд шаҳар ошхоналар тресті бошлиғининг хузурига кирди-да, минг бир хил баҳоналар билан отпуска олиб қишлоғига жўнади. Акаси Полвоннинг тўнғич ўғли пулга суяги йўқлигини биларди. Тўппа-тўғри унинг олдига борди-да, бир четга чақириб, чўнтагига пул солиб қулоғига шипшиди:

— Бир иложини топиб мени ранжит. Шунда сени бир шапалоқ уриб йиқитган бўламан. Сен бетоб бўлиб ётиб оласан. Қачонки, ўзим келиб, у ёқ-буёғингни силаб дуо фотиҳа ўқиб, енгим билан кифтингга қоқмагунимча ўрнингдан жилмайсан. Уқдингми?!

Пулга ўч бола хўп, дегандай бош силкиди. Икки ўртада пишитилган режа хамирдан қил суғургандай амалга ошди. Қечқурун, Ҳасан табиб барча оила аъзолари тўпланиб ўтирган маҳалда кун бўйи туз тотмай, тўшакка михланиб ётган боланинг бошига борди-да, уёқ-буёғини силаб, алланималарнидир пичирлаб ўқиган бўлди, кейин тур-е ўрнингдан, дея елкасига урди. Боланинг сапчиб туриб кетгаилигини кўрган отаси-ю онаси, қариндошуруғлари-ю уни кўргани чиққан қўни-қўшнилар ҳам ёқа ушлаб қолишди. Айниқса Ҳасан табибнинг онаси-кекса кампир кўкрагига туф-туфлаб, «Боламнинг тушига Ҳазрати Хизр кириб, дуо қилганлиги бежиз эмасга ўхшайди. Ўғилгинамга нега одам иси ёқмай қолди десам, фаришталар билан гаплашаётган экан-да» деб калима келтириб қўйди.

Бундай воқеалар эл оғзига элак тутсангиз ҳам тарқалиб кетади. Кўп ўтмай, ҳаммаёқни «Шофер Ҳасан табиб бўлганмиш, унга Ҳазрати Хизр назарлари тушганмиш. Ҳасан авлиё бўпти» деган миш-миш гаплар тарқалиб кетди. Бундай гаплар Гўриғарибон қишлоғини кезиб чиқиб, тез кунда Самарқанднинг у даҳасидан бу даҳасига қулоч ёзди. «Гўриғарибонлик авлиё Ҳасан соқовга тил, кўрларга кўз, шолларга оёқ-қўлу, карларга қулоқ ато этармиш» деган хабарлар қулоч ёзиб, ҳар турли лақма кишилар кўнглини овлайверди. Энди у одамлар назарида оддий ошхоналар трестининг шофери Ҳасанбой эмас, балки авлиё Ҳасан ёки Ҳасан табиб бўлиб обрў-эътибор қозона бошлади.

Авлиёликка даъвогар Ҳасаннинг уйи остонасида дардига шифо излаб келганлар албатта, қуруқ келишмасди. Бири товуқми ё хўрозни қўлтиғига қисиб келса, иккинчиси қўйми ёҳуд эчкини етаклаб келар, яна бошқаси бирон сўйғулик пররандадарранди олиб келган бўларди. Осмондан тушган «авлиё» бир пайт кўзларини очиб қараса, уй ҳовлисининг бурчаги ҳар турли пররандага тўлиб кетибди. Текин совға, дуои муолажа ҳақи кимга ёқмайди дейсиз. Шоферлик касбини ташлаб текинхўрлик йўлига ўтиб олган Ҳасан табиб шу зайлда чўнтагини қаппайтириб олди.

Буни қаранг, омад келаман деса қўш оёқлаб келаркан. Тез кунда анча-мунча мижоз орттираман деб сира хаёлига келтирмаган шекилли, сохта табиб шошиб қолди. Қараса, унинг дуо-ю, куф-суфларига одамлар чиппа-чин ишонишяпти. Мингта ёлғоннинг ичида битта рости ҳам бўлсин деди-ю, халқ табобатчилигидан оз-моз у-бу нарсаларни ўрганган, ҳатто Ибн Синонинг рисолаларидан айрим сатрларни ёдлаб олган бўлди. Ана шундан сўнг унинг бир ғайратига ўн ғайрат, ўн ёлғонига юз товламачилик қўшилиб, дуохонликни авжига чиқариб юборди. Ёлғони кўпайган сари гўл одамлар ҳам ортиб бораверди. Бу ёғи Душанбадан Сурхон воҳасигача, уёғи Бухородан Фарғона водийсигача лақма одамларнинг тилида Ҳасан табиб бўлиб қолди. Дардига даво излаб келганлар табибнинг сешанба ёки пайшанбалик қабулига киришга ошиқишар, бунга сабаб эса- гўё ана шу кунларда Ҳасан табибнинг авлиёлик хислатлари кўпроқ намоён бўлармиш...

Аслида эса зўраки авлиё мижозлардан тушган жаракжарақ пулларни ана шу кунлар санаб тўиришни хуш кўрарди. Кейин хилватгоҳига кириб оларди-да, юмшоқ кўрпачага узала тушиб ётганча яримлаб қолган шишадаги обизамзамдан бир пиёлани симириб олгач, хотинига буюрарди: «Ҳой, хотин чиқиб айт, аршу аълодан вахий келди. Бугун-эрта битта пашшани ҳам қабул қилолмайман». Текин даромадлардан боши айланиб, кўзи тинган Ҳасан авлиё маишатга берилиб кетди. Ҳатто кўча эшикда унинг «шифобахш» куф-суфларига ҳафталаб муштоқ бўлиб ўтирган беморларни ҳам унутиб юборди. Кайф аралаш ширин ҳаёлларга берилиб, кейинги ҳафтада тушадиган ўлжаларни ҳисоблаб кетарди.

Ниҳоят, авлиёнинг кайфи тарқаб, қабул соати бошлангач, эшикдан самарқандлик Қаҳҳор Носиров кириб келди. У одоб билан салом бергач, дардини тўкиб солди. Унинг анчадан бери икки оёғи яхши ишламай қолган экан.

— Ҳм..шундайми? — деди-ю, Ҳасан табиб Қаҳҳорни шолча устига ётқизиб, оёқларини уқалади- силтаб тортиб буради. Муолажа ҳақини олгач, беморни олиб келганларга «агар тузалмаса, беш кундан кейин қизил хўроз билан келинглар, қонлаб қўйман!» деб чиқариб юборди.

Аммо бундай муолажа Қаҳҳорни хушдан айирди. Пича вақтдан кейин ўзига келгач, бундоқ қараса, оёқлари коптокдек шишиб кетибди. Авлиё оёқларини бураб тортганда синдириб қўйган экан...

Оддий кишиларнинг ўз дардларига дармон тополмай, авлиёдан умид боғлаб, эшигида сарсон-саргайиб юрганлари бошқа гап-а, туппа-тузук ўқиган, билимдон, тушунган кишиларнинг аллақандай табибнинг найрангларига учиб, лақмалик қилишларига ҳам кулмай, ҳам куймай илож йўқ. Қаҳҳорнинг майиб бўлиб кетганидан сабоқ олмаган врач-педиатор Ҳайдаров қизчасини етаклаб табиб ҳузурига кириб келгани қизиқ бўлди.

— Келинг, келинг, Эркинжон хўш хизмат, — уни айёрона табассум билан қарши олди Ҳасан авлиё. Кейин қироат билан калима келтириб қўйди.

— Ҳасанбой домла, —дея минғирлаб гап бошлади Эркин Ҳайдаров. — Ўзингиз биласиз, шифохонада ишлайман. Қизим Ҳабибани карсоқовлар мактаб-интернатига бергандим. Шу кунгача дарди аримабди-да! Дуоингиз ўткир, нафасингиз кучли дейишади. Қўллаб юборинг!

—Ҳай, майли, майли. Қани, кизингизни бир кўрай-чи, — шу гаплардан сўнг Ҳасан табиб Ҳабибанинг қулоғига яқин келиб, қаттиқ қичқириб юборди. Юз ифодасидан маъно ажратишни ўрганган қиз бош ирғаган эди ҳамки, отасининг оғзи қулоғига етгудай ҳолга тушди:

— Қизим эшитди, эшитди. Қулоғи очилди... — Эркин Ҳайдаров муолажа ҳақини табибнинг чўнтагига қистирганича шундай қийқириқлар билан кўчага отилди. Содда лақмани қаранг, ўз қизининг қулоғи зўраки авлиёнинг «куф-суф»и билан мас, мактаб-интернат врачларининг муолажаси билан хиёл эшитадиган бўлиб қолганлигини билмай юрибди.

Ўқимишли, зиёли кишиларнинг оддий найрангларга учиб, авлиёнинг ноғорасига ўйнаганлари бир гап дедик, тез кунда бундай лақмаларнинг сони ортиб, ҳатто кўзга кўринган ташкилотлар раҳбарлари ҳам Ҳасан табибнинг номига илтимос хатларни йўллайдиган бўлишибди. Ана сизга тушнинг хосияти-ю мана найрангбозликнинг оқибати... Шундай ташкилотлардан бири 2-«Узколхозспецстрой» республика трестининг бошқарувчиси У. Қамбарова Абдували Каримов деган кишининг дардига шифо беришини битибди... Бундай мисоллар рўйхатини келтирган билан адо бўлмайди.

Тўрт-беш ой ичида қанчадан-қанча одамларни дарё бўйига етаклаб бориб, суғормай келган Ҳасан табиб уларнинг жами 25 минг сўмдан ортиқ пулини шилиб олибди. Энди унинг беморларга «шифо» бериш учун ҳовлиси торлик қилиб қолди. Лақма кишилар Ҳасан табибнинг авлиёлигига ишониб, унга ёрдам беришга аҳд қилишди. Республиканинг кўзга кўринган ташкилот ва идоралари раҳбарларига хат ёзиб, табиб учун алоҳида меҳмонхонали клиника қуриб беришларини сўрашди. Шундай талабнома хатларидан бири Соғлиқни сақлаш министрлигига ҳам етиб тушди. Яхшиямки, бу ердаги ўртоқлар самарқандлик Ҳасан Солиевнинг табиблик қобилияти борлиги ҳақидаги мишмишларга лаққа тушишмади. Улар клиника қуриб бериш ҳақидаги хатларда айтилган «Ҳасан табиб Солиевда биоток бор; у одамларни янгича усулда даволаяпти» деган гапларнинг росту ёлғонлигини аниқлайдиган бўлишди. Шу мақсадда махсус комиссия ҳам тузилди. Ана шунда... Ҳа, ҳа, ишонаверинг ҳурматли газетхон, ўзини авлиёман, деб юрган, табибликка даъвогар «табиб»нинг барча қилмиш-қидирмишлари фош бўлиб қолди. Бутун найрангбозликлари ошкор бўлиб, чуви чиқанлигидан қаёққа қочишни ҳам билолмай қолган Ҳасанбой Солиев энди отдан тушса ҳам эгардан тушмай, ўзининг ҳақиқатан ҳам авлиё эканлигини исбот қилишга урина бошлади. Аммо миси чиққан лўттибоз, найрангбоз, текинхўр «авлиё»га энди ким ҳам қулоқ соларди.

Шу ўринда бир савол туғилиши аниқ. Хўш, Самарқандниг Гўриғарибон қишлоғидан чиққан найрангбознинг барча қилмишлари-ку ҳаммага аён бўлди. Аммо оддий кишилар қолиб, ўзини ҳар нарсада билимдон, ўқимишли, замонавий маданият арбоблари деб ҳисоблаб юрган кишиларнинг «авлиё»нинг ноғорасига ўйнаб, лақиллашганлигига нима деса бўлади. Ана шуниси кишини ажаблантиради.

А. ДИЛМУРОДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ХАЛҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

КАФЕДРАЛАР БЎЙИЧА

вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ИШЛАШ УЧУН

саноат экономикаси профессори;

саноат экономикаси доценти («капитал қурилиши экономикаси» фани бўйича);

Марксча-ленинча фалсафа ассистенти («Марксча-ленинча фалсафа» фани бўйича).

АНДИЖОН ШАҲРИДА ИШЛАШ УЧУН

марксизм-ленинизм («КПСС тарихи» фани бўйича) доцент, катта ўқитувчи ёки ассистент.

КОНКУРС МУДДАТИ — 2 АВГУСТГАЧА.

Ушбу адресга мурожаат этилсин: 700063, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 183«а» уй.

●

ЎРТА ОСИЁ РАНГЛИ МЕТАЛЛУРГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ВА ЛОЙИҲА ИНСТИТУТИ

вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

лабораториялар бўйича

гравитация ва саралашнинг махсус методлари катта илмий ходими (фан доктори ёки кандидати);

гидрометаллургия кичик илмий ходими.

КОНКУРС МУДДАТИ ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ БИР ОЙ.

Ҳужжатлар ушбу адресга юборилади: 700000, Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 59-уй.

●

ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлимининг

ЎЗБЕКИСТОН ЧОРВАЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

1983 йилга

қўйидаги ихтисосликлар бўйича

КУНДУЗГИ АСПИРАНТУРАГА

ҚЎШИМЧА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

селекция ва уруғчилик, ўсимликшунослик, қишлоқ хўжалик ҳайвонларини кўпайтириш ва селекцияси, хусусий зоотехника.

Ҳужжатларни қабул қилиш муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ҳужжатлар ушбу адресга юборилади: 702145, Тошкент области, Оржоникидзе райони, «Красний водопад» алоқа бўлими.

●

ПРОФЕССОР Б. М. ЖИТКОВ НОМЛИ БУТУНИТТИФОҚ ОВЧИЛИК ХЎЖАЛИГИ ВА ҲАЙВОНОТЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

вакант вазифага

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Институтнинг Ўрта Осиё бўлими (Тошкент шаҳри)да ишлаш учун катта илмий ходим (ветврач).

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ҳужжатлар ушбу адресга юборилади: 610601, Киров шаҳри, Марказ, Энгельс кўчаси, 79-уй. Маълумотлар учун телефон: 2-51-49.

«Узсортсемовощ» республика бирлашмаси совхоз ишлаб чиқаришининг ташкилотчиси, Қорақалпоғистон АССР «Ҳўжайли» уруғчилик совхози директори

Арслонбой АЛМОНОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг экономика институти коллективи иқтисод фанлари кандидати А. И. Комиловга отаси

Икром КОМИЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Телевидение

24 ИЮЛЬ, ЯКШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Спорт ахбороти. 9.55— Дўстлик қўли тароналари. 10.20 — Будильник. 10.50 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 11.50 — Здоровье. 12.35 — Тонгги почта. 13.05 — Қишлоқ янгиликлари. 14.05 — Музикали киоск. 14.35 — Симон Боливар —халоскор. 15.05 — Бугун — Савдо ходимлари куни. 15.35 — Савдо ходимларининг талабларига биноан концерт. 16.15 — Рақс ўқитувчиси. 18.30 — Халқаро панорама. 19.15 — Мультфильмлар. 19.40 — Шоир экранда. Ойимқиз ва безори. В. Маяковский иштирокида бадиий фильм. 20.30 — Саёҳатчилар клуби. 21.30 — Время. 22.05— СССР халқларининг VIII ёзги Спартакиадаси. Бадиий гимнастика. 23.05 — Янгиликлар. 23.10 — Спорт ахбороти.

МОСКВА-II. 9.00 — Зарядкага сафланинг! 9.20 — Мен—бугун ва эртага. 9.50 — Телевизион ҳужжатли фильмлар. 10.20 — Акунк этнографик ансамблининг концерти. 10.55 — А. М. Горький. Болалик. 11.40 — Кинолавҳа. 11.50— Ҳабиб — илонларни ўйнатувчи. 12.55 — Телевизион ҳужжатли фильмлар. 13.20 — Чет эл эстрадасининг куйлари ва оҳанглари. 14.00 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 15.00 — Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар. 15.30 — Мультфильм. 15.45 — Чехов ҳузурига саёҳат. 16.50 — Илк қувончлар. Етти серияли бадиий фильм. 4-серия. 18.00 — Концерт. 20.00 — Музей ва кўргазма залларида бўйлаб. 20.30 — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45— Клайпеда. Ҳужжатли фильм. 21.15 — Спорт ахбороти. 21.30 — Время. 22.05 — Аршин мол олон. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Ҳужжатли кино экрани. 10.55 — Чўртан балиқ амри билан. 11.50 — Мультфильм. 12.00 — Қувноқ стартлар. 13.00 — Телевизион театр почтасидан. 14.30 —Ўзбекистон спорти. 15.05 — Хавфсизлиги учун. 15.40 — Реклама. 18.30 — Мультфильм. 18.40 — Ўйлаб топ. 19.10 — Бугун — Савдо ходимлари куни. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Назм ва наво. Увайсий лирикаси. 20.30 —Ахборот. 20.50 — Назм ва наво (давоми). 21.30 — Время. 22.05 — Телевидение экранида биринчи марта. Бошга қилич келса ҳам... Бадиий фильм.

25 ИЮЛЬ, ДУШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Спорт ахбороти. 9.55 — Концерт. 10.25 — Ҳайвонот оламида. 11.25 — Қизил ўтов. Бадиий фильм. 12.30 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.10 —Концерт. 16.30 — Бил ва уддала. 17.20 — Мен флотни ёзаман. 18.15 — Концерт. 18.45 —Меҳнатга яраша шараф ва шуҳрат. 19.15 — Мультфильмлар. 19.30 — Халқ куйлари. 19.40— Яна ўша йўлдан. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Ижодий кеча. 23.35 — Дунё воқеалари. 23.50 — Спорт ахбороти.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Илмий-оммабоп фильмлар. 9.45 — Аршин мол олон. Бадиий фильм. 11.20 — Театр ҳақида ҳикоялар. 12.15 — Фан ва турмуш. 12.45 — Будильник. 13.15 — Болалар учун фильм. 14.20 — Ҳужжатли фильмлар. 15.10 — Рус тили. 15.40 — Мультфильмлар. 16.00 — Ичкарига киришга рухсат этинг. 16.30 ва 18.30— Янгиликлар. 18.45 — Г. Свиридов ижодида Пушкин мотивлари. 19.30 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан! 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 Халқаро панорама. 21.30 — Время. 22.05 — Оилавий шароитга кўра. Бадиий фильм. 1-серия. 23.10 — Спорт ахбороти. 23.25 — Ҳужжатли фильмлар.

ТОШКЕНТ-I. 18.20 — Қувноқ пионер ёзи. 18.50 — Ёшлик. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Телетомошабин билан юзма-юз. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Бугун оламда нима гап? 22.20 — Улуғбек хазинаси. 1-серия. 23.30 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 9.00 — 16.35— Москва-II 18.00 — Қизиқувчилар экрани. 18.30 — Телефильм. 19.00 — Она тили. 19.30 — Шифокор суҳбати. 19.40 — Телефильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.15 — Шеърият дафтаридан. 20.45 — Йўл. Бадиий фильм. 21.30 — Москва-II.

Радио

24 ИЮЛЬ, ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Сиз ёқтирган қўшиқлар. 9.15 — Табассум. 11.30 — Ёш ижрочилар концерти. 11.50 — Савдо хизмати: уни такомиллаштириш муаммолари. 12.10 — Ишчиноома. 13.00 — Чорвадор. 13.30 — Савдо ходимлари. Сиалар учун. 14.00 — Табаррук замин. 18.15 — Халқаро аҳвол кундалиги. 18.30 — Дўстларимиз эстрадаси. 19.30 — СССР халқларининг ёзги VIII Спартакиадаси кундалиги. 19.30 — Ёшлик. 22.30 — Савдо ходимлари учун концерт.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС:
700000, Тошкент-П.
Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 33-11-49, 32-54-13.

Р. 03037. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Б. — 169. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12 13 14 15